29 МАЙ 1984

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 116 (5407).
24 МАЙ 1984 й.
ПАЙШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг Тошкент шаҳридаги VIII халқаро кинофестивали қатнашчилари ва меҳмонларига

Совет Ўзбекистони пойтахтида йиғилган VIII халқаро кинофестиваль қатнашчилари ва меҳмонларини самимий табриклайман.

Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари тараққийпарвар кино санъатида нотинч дунёмиз ҳаққоний акс эттирилмоқда, бу дунёда ақлидрок ва бунёдкорлик кучларининг телбалик ва вайронгарчилик кучларига қарши кураши давом этмоқда.

Тошкентдаги анъанавий кино кўригига тақдим этилган фильмлар миллионлаб кишиларга социал адолат, инсонпарварлик, халқлар ўртасида тинчлик ва дўстликнинг улуғ ғояларини етказаётганлиги жуда муҳимдир.

Холис ниятли кишиларнинг коллектив куч-ғайрати билан тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш мумкинлигига ишончимиз комил. Бунга ишонибгина қолмай, Совет Иттифоқи империалистларнинг ҳукм ўтказиш ва зўравонлик сиёсатига қатъиян қарши чиқиб, кескинликни юмшатиш учун, қуролланиш пойгаси тўхтатилиши учун, барча халқларнинг суверен ҳуқуқлари қатъий ҳурмат қилиниши учун курашиб келмоқда.

Кино санъати ядро уруши хавфига қарши, инсониятнинг бахтиёр ва порлоқ келажаги учун курашда планетадаги прогрессив кучларни бирлаштиришга бундан буён ҳам хизмат қилаверсин.

Кинофестивалнинг тўла муваффақият қозонишини, унинг қатнашчилари эса янги-янги ижодий ютуқларга эришишларини тилайман.

К. ЧЕРНЕНКО



ТОШКЕНТ, 23 май. 1984 йил. В. И. Ленин номидаги СССР халқлари дўстлиги саройи, Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари VIII халқаро кинофестивалининг тантанали очилиши. (ЎзТАГ фотохроникаси).

ПЛАНЕТА ТАҚДИРИНИ ЎЙЛАБ

Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари VIII халқаро Тошкент кинофестивалининг тантанали очилиши

Самимий, хушчақчақ, кўркам Тошкент дўстларни қучоқ очиб кутиб олди — шаҳар Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари тараққийпарвар кино санъати намояндаларини саккизинчи марта бағрига олди. Инсонпарварлик ва социал адолат идеаллари билан жипслашган ижодкорлар кейинги икки йил ичида яратилган барча энг яхши асарларини кўрсатиш, тажрибани ўртоқлашиш, планетанинг тақдири тўғрисидаги фикр-ўйлар, орзу-умидларни ва бизнинг нотинч дунёмизда яшаётган ғамхўрларнинг ташвишларини баҳам кўриш учун бу ерга келдилар. Улар халқлар ўртасида ҳамжиҳатликни ва ишончни мустаҳкамлаш учун курашда кинокамерани ўз қуроли қилиб олиб, истеъдоди, ижодини энг оммавий санъатга бағишламоқдалар.

Экран усталари Тошкент фестивалининг «Тинчлик, социал тараққиёт ва халқлар озодлиги учун!» деган шиорида ўз мудҳишларининг мужассам ифодасини кўрдилар. Бу фестиваль холис ниятли кишиларнинг орзу-умидларини ифода этади ва бутун дунёда кечаётган кизиқиш тобора кучаяётганлиги бормоқда. Биринчи кўрсатувда кирк тўққиз давлат ва минтақа кинематографиячилари 105 та фильм олиб келишган эди. Жами юз мамлакат вакиллари, халқаро ва миллий ташкилотлар — БМТ, ЮНЕСКО, Фаластин Озодлик Ташкилоти, Чили ватанпарвар кучлари ва Сальвадор ватанпарвар кучлари, Африка Миллий конгресси (Janubiy Afrika), СВАПО вакиллари ҳозирги фестивалнинг қатнашчиларидир.

23 май куни В. И. Ленин номидаги СССР халқлари дўстлиги саройида кинематографчилар халқаро учрашувининг тантанали очилиши бўлди. КПСС Марказий Комитети Бош котиби, СССР Олий Советининг Раиси К. У. Черненконинг Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари VIII халқаро кинофестивали қатнашчилари ҳамда меҳмонларига йўллаган табриконмани Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев ўқиб берди.

Ўртоқ К. У. Черненконинг муваффақиятлар тилаб билдирган эзгу сўзларида тинчлик ва халқаро кескинликни юмшатиш учун курашда кинонинг ролига юксак баҳо берилган, экран усталари учрашувининг чуқур мазмуни ифода этилган.

— Партия ва давлат бошлиғининг фестиваль қатнашчиларига мурожаати халқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлаш ва Ер юзида тинчликни барқарор қилиш тўғрисида ғамхўрлик руҳи билан тўлиб-тошган, — деб таъкидлади кинофестивални оча туриб Ташкилот комитетининг раиси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бош котиби, СССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети номидан, республика Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари С. У. Султонова.

АҚШ маъмурияти бошчилигидаги империализм ва реакция кучлари кескинликни тўхтовсиз авж олдириб, инсониятни ҳалокатга бошлаётган бизнинг давримизда тараққийпарвар кинематографиянинг роли ортиб бормоқда. Бу кинематография миллион-миллион томошабинларга мурожаат этиб, урушни, эксплуатацияни, ирқий камситишни, миллий таҳқирлашни ва жабр-зулмни барала лаънатламоқда. У тинчлик даракчиси бўлиб қолди, озодлик ва тенглик учун курашда, янги, бахтиёр ҳаёт барпо этишда халқларга ёрдам бермоқда. Ўз санъати билан ҳақиқат, эзгулик, социал адолат ғояларини қарор топтириш муддаоси Тошкентдаги анъанавий кинофестивалларнинг кўпчилик қатнашчиларини зўр обрў-эътиборга сазовор қилди, ҳар бир учрашув ўтган сайин анжуманнинг ўз обрў-эътибори ҳам ортиб бормоқда.

Кинофестиваль программаси ранг-барангдир. Программада «Тинчлик, социал тараққиёт ва халқлар озодлиги учун курашда кинонинг роли» мавзуида анъанавий мунозара ўтказиш кўзда тутилган, бу программа анжуман қатнашчиларининг республика бўйлаб сафар қилишларига имконият беради. Бу галги анжуман Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллик юбилейи нишонланадиган йилга тўғри келди. Меҳмонлар ҳам Ўзбекистон меҳнаткашлари шу шонли санани кутиб олишга қандай ҳозирлик кўраётганликлари билан, уларнинг партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитети кейинги Пленумларининг улуғвор режаларини бажаришдаги муваффақиятлари билан, экономика, фан ва маданият соҳасидаги ютуқлари билан таниша оладилар.

Ташкилот комитетининг раиси Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети номидан, республиканинг барча меҳнаткашлари номидан уч қитъа вакилларини самимий табриклади, уларга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, ижодий муваффақиятлар тилади.

СССР Кинематография давлат комитетининг раиси Ф. Т. Ермаш КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ К. У. Черненкога табрикнома ва фестивалга муваффақиятлар тилаб билдирган истаклари учун самимий миннатдорчилик изҳор этди.

— Биз мураккаб, тавшишли замонда яшамоқдамиз, деб таъкидлади у. — Империализмнинг айби билан халқаро вазият ниҳоятда кескинлашиб қолди. Реакция кучлари космосни ҳарбийлаштиришга ошкора тайёргарлик кўрмоқда. Планетамизнинг турли томонларида қуролли можаролар манбалари сусаймаяпти. Бундай шароитда Ер юзидаги ҳар бир соф виждонли киши лоқайд кузатувчи бўлиб қолиши мумкин эмас. Бинобарин, биз кинематографиячилар ҳам тинчлик ва инсонпарварликни ҳимоя қилишга қаратилган дангал сўзимизни айтишимиз, ўз асарларимиз ва жамоат фаолиятимиз билан келгуси авлодларнинг яшаш ҳуқуқини қаттиқ туриб ҳимоя қилишимиз лозим.

Киро санъатига жуда катта эътибор бериш — совет анъанамиз бўлиб қолган. Кинони санъатлар ичида энг муҳими деб ҳисоблаган улуғ Ленин кино санъати сарчашмаларида турган эди. Кинематографиянинг ишончтириш кучи ва қудрати жуда зўрдир. Фестиваль экрани бой ва ранг-барангдир. Биз аминмизки, бундан авалги анжуманлар сингари ҳозирги анжуман ҳам турли мамлакатларнинг кинематографиячиларига иш тажрибасини ўртоқлашиш, ижодий алоқаларни йўлга қўйиш ва мустаҳкамлаш имконини беради, тараққийпарвар санъатни ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшади.

Тошкент уч қитъа халқаро кинофестивалини яна кутиб олмоқда, — дейди СССР кинематографиячилар союзи правлениесининг биринчи секретари, СССР халқ артисти, Ленин мукофотининг лауреати Л. А. Кулижанов. — Бугунги кунда ана шу уч қитъанинг ҳар бирида қон тўкилмоқда, ҳар бирида тўплар отилмоқда. Шундай экан, кинематограф замонамизнинг ташвишга солувчи проблемаларидан четда туриши мумкин эмас.

Тошкент фестивали — ўзининг демократизми билан қойил қолдирадиган алоҳида фестивалдир. Бу фестиваль ҳақиқатдан ҳам дастлабки қадамлар қўяётган ёш кинематографияларни ҳам, санъати бутун дунёда эътироф этилган кудратли кинематография давлатларини ҳам йиғмоқда.

Лекин биз фикр-мулоҳазаларимизни баҳам кўриш, фильмларни айрибошлаш, тажрибамизни ўртоқлашиш учунгина эмас, шу билан бирга санъатимизни бугунги кунда жаҳонда рўй бераётган воқеаларни акс эттирадиган ва унга таъсир ўтказишга қодир бўлган янада жанговар, фаол ва таъсирчан санъатга айлантириш тўғрисида фикр юритиб ўйлаб кўриш учун бу ерга келганмиз. Бинобарин бу фестиваль адолат, социал тараққиёт учун, Ер юзида тинчлик учун курашда кўмаклашадиган бўлса, биз ўзимизни ғоят бахтиёр, деб ҳисоблаймиз.

Биз Ўзбекистон пойтахтида бўлганимизда бу ажойиб шаҳар учрашувга қандай тайёргарлик кўрганини ҳис этдик — Тошкент ва тошкентликлар ҳаммамизни самимий, зўр ғамхўрлик, эътибор билан кутиб олдилар. Самимий сидқидиллик учун сизнинг номингиздан меҳмондўст мезбонларга миннатдорчилик билдиришга ва чин қалбдан «Раҳмат!» дейишга рухсат бергайсиз, деди сўзининг охирида нотиқ.

В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг мастери, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. И. Ломакин кинофестиваль қатнашчилари ва меҳмонларини Ўзбекистон пойтахти меҳнаткашлари номидан табриклади.

— Ишчилар синфи вакили бўлмиш мен учун шуниси, айниқса, қувончлики, Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг VIII халқаро кинофестивали республика меҳнаткашлари КПСС XXVI съезди қарорларини муваффақиятли равишда амалга ошириб, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун зўр завқшавқ билан ҳозирлик кўраётган шонли бир пайтда ўтмоқда. Фестиваль очилишига бағишланган шодиёна байрам меҳнат аҳлининг улуғ дўстлиги ва қардошлиги сарчашмасида турган Владимир Ильич Ленин номидаги СССР халқлар дўстлиги саройида ўтаётганлиги ҳам чуқур рамзий маънога эга. Кинофестивалнинг: «Тинчлик, социал тараққиёт ва халқлар озодлиги учун!» деган шиори равшан ва олижаноблдир! Биз аминмизки, уч қитъа кино санъати намояндаларининг учрашуви бу гал ҳам дўстлик ва ижодий ҳамкорлик муҳитида ўтиб, планетада тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга, халқларнинг социал ва маданий ривожланишига кўмаклашади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти П. Қ. Ҳабибуллаев республика олимлари, барча зиёлилари номидан меҳмонларни сидқидилдан табриклади.

— Совет Ўзбекистонида бўлган вақтингизда, — деди у, кино санъати арбобларига мурожаат этиб, — сизлар меҳнат коллективларининг вакиллари билан, фан ва маданият арбоблари билан учрашиш имкониятига эга бўласизлар, улар ер юзида тинчликни, халқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлаш учун термоядро уруши хавфига қарши актив курашмоқдалар. Ҳозир бу хавф ҳар қачонгидан кўра кучайиб кетди. Бинобарин, ҳам «катта», ҳам «кичик» барча уруш оловини ёқувчиларга қарши қатъий курашиш бизнинг муштарак бурчимиздир.

Олим прогрессив кино усталари тўпланган VIII Тошкент халқаро кинофестивали тинчлик, дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш учун курашда тинчлик, севар кучларни бирлаштириш соҳасида муҳим қадам бўлиб қолади, деб ишонч билдирди.

— Ўзининг 2000 йиллигини нишонлаган ҳамиша навқирон ва кўркам шаҳримизнинг ҳар бир аҳолиси Тошкент уч қитъа кинематографиячилари учун қадрдон бўлиб қолганлиги билан фахрланади, — деди ўз сўзида Тошкент давлат медицина институтининг студенти У. Азизбердиева. —Тошкент киноанжуманининг ажойиб анъаналари холис ниятли барча кишиларга азиз ва қадрлидир. Биз, тошкентлик ёшлар учун кино усталари билан учрашувлар — чексиз билим йўлида қўйилган янги қадамлардир, фестивалнинг энг яхши лентала ри бизни ҳаётнинг моҳияти тўғрисида, планетанинг келажагида ёшларнинг роли ҳақида чуқурроқ ўйлашимизга мажбур этади. Биз ҳам инсониятнинг энг порлоқ идеаллари учун кураш пафоси билан тўлиб-тошган янги асарларни кутмоқдамиз. Реакция ва империализм кучлари дунёни ҳалокатга бошлаётган бугунги кунда халқаро кинофестиваль қатнашчилари халқлар ўртасида ҳамжиҳатлик ни мустаҳкамлаш, ер юзида тинчлик ғояларини қарор топтиришга бутун куч ва истеъдодини бағишлайдилар, деб умид қиламиз.

Уч қитъа кинематографиячилари делегацияларининг вакиллари кинофестиваль байроғини кўтарадилар.

Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг саккизинчи халқаро кинофестивали очилди.

Кино анжуманининг тантанали очилиш маросимида Ўзбекистон Компартияси билан Ўзбекистон ССР раҳбарлари иштирок этдилар.

Шу куни кинофестиваль қатнашчилари В. И. Ленин ҳайкали пойига гуллар ва Номаълум солдат қабрига гулчамбарлар қўйишди.


Совет ва чет эл журналистлари учун биринчи матбуот конференцияси ўтказилди.

(ЎзТАГ).

● СЎЗ — ФЕСТИВАЛЬ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

ЯХШИ ИЖОДИЙ ҲАМКОРЛИК

Факир ЧАНД МЕХРА, продюссер, Ҳиндистон.



— Ўзбек ва ҳинд кинематографчилари н и-

ликда «Ганг узра тонг» дастлабки ҳамкорлик фильмини суратга олди. Шундан кейин «Иглфильмз» билан биргаликда «Алибобо ва қирк қароқчи саргузаштлари» фильми суратга олинди. Латиф Файзиев ва менинг ўғлим режиссёр Умеш Мехранинг янги асари «Севги ҳақида достон» янги картинаси тайёр бўлди. Бизнинг кинематографчилари м и з дўстлиги манбаида туғилган бу фильмнинг премьераси Тошкент фестивалида ўтади.

Бу ўрта Осиёдан Ҳиндистонга борган йигит ва ҳинд қизи муҳаббати ҳақидаги достондир. Уларни социал тенгсизлик бир-биридан ажратиб қўйди. Лекин энг қудратли куч — кинога муҳаббат, халқнинг дўстликда яшашга бўлган интилиши картинада ўзининг ёрқин ифодасини топган.

Мен Тошкентда ўн марталаб бўлганман. Ҳамма вақт ҳам меҳмондўстлик, дўстлар билан янги учрашувлар мени ғоятда қувонтиради.

Фестивалдан кейин янги фильмни суратга олишга киришамиз. Бу ҳам социал мавзуга бағишланган.

VIII ФЕСТИВАЛЬ КУНДАЛИГИ БУГУН

эртага

Лотин Америкаси мамлакатлари Халқаро Тошкент кинофестивали қатнашчиларига ва меҳмонларига Ўзбекистон ССР Фанлар академиясига ташриф буюрдилар. Кино байрами қатнашчилари иштирокида Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил топганидан буён ўтган 60 йил мобайнида республика иқтисодий ва социал тараққиётида эришган ютуқлар ҳақида суҳбат бўлди. Меҳмонлар Ўзбекистон фан ва маданияти эришган ютуқлар билан ҳам танишдилар.

Фестиваль қатнашчиларига ва меҳмонларига Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари Диний бошқармасига ташриф буюрдилар. Кунниг иккинчи ярмида эса кино байрами қатнашчиларига Африка озодлиги кунига бағишлаб Тошкент шаҳар жамоатчилиги вакилларининг Темир йўлчилар маданият саройида ўтказилган йиғилишида иштирок этишади.

фестиваль экранида намойиш этилаётган фильмлар бўйича совет ва чет эл журналистлари учун матбуот конференцияси ўтказилади.

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИ

БУГУН ўн саккизинчи чақириқ халқ депутатлари шаҳар Советининг ўнинчи сессияси бўляпти. Сессияда КПСС Марказий Комитети апрель (1984 йил) Пленумининг «Халқ депутатлари Советлари ишини янада яхшилаш тўғрисида»ги қарори, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. У. Черненконинг нутқларида баён этилган қоидалар ва хулосаларни амалга ошириш бўйича Тошкент шаҳар халқ депутатлари Советларининг вазифалари кўриб чиқиляпти.

Сессияда КПСС Марказий Комитети апрель (1984 йил) Пленуми, ўн биринчи чақириқ СССР Олий Совети биринчи сессиясининг «Умумий таълим ва ҳунар мактаби ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари ҳақида»ги қарорини амалга ошириш чоралари тўғрисидаги масала кўрилди. Шаҳар Совети депутатларининг «СССРда халқ депутатлари статуси тўғрисида» СССР Қонуни талаблари асосида ўз депутатлик ваколатларини бажаришлари юзасидан ахборотлари тингланади.

Сессияда ташкилий масалалар кўрилади.

Сессия тўғрисидаги батафсил ҳисобот газетанинг эртаги сонида босилади.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ВА БУТУНИТТИФОҚ КАСАБА СОЮЗЛАРИ МАРКАЗИЙ СОВЕТИДА

«Ўқитувчиларнинг ва халқ маорифи бошқа ходимларининг иш ҳақини ошириш тўғрисида» қарор қабул қилдилар. Мазкур қарорнинг баёни тонгги газеталарда эълон қилинган.

тонгги газеталарда

● КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг таклифига биноан Корея Меҳнат партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, КХДР Президенти Ким Ир Сев бошчилигидаги Корея Халқ Демократик Республикасининг партия-давлат делегацияси 23 май куни расмий дўстлик визити билан Москвага келди.

● 22-23 май кунлари КПСС Марказий Комитетида иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари, ўлка ва область партия комитетлари экономика бўлимлари мудирларининг кенгаши бўлиб ўтди.

Партия комитетлари экономика бўлимларининг Марказий Комитет 1984 йил февраль ва апрель Пленумларининг қарорлари, КПСС Марказий Комитети Бош секретари К. У. Черненконинг нутқларида баён этилган қоида ва хулосалар асосида иқтисодий ва социал ривожланиш планлари кандай амалга оширилаётганлиги устидан контроллликни кучайтириш соҳасидаги вазифалари муҳокама қилинди.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

Бугун Тошкентда:

«Ташхимсельмаш» заводида чет эл мамлакатларига экспорт қилинадиган «ОВХ—28» типдаги чанглагич-пуркагичларнинг янги намуналарини тайёрлашга киришилди. Бу машиналар Сурия ва Греция мамлакатларига жўнатилади.

●

«Орлёнок» ҳарбий-спорт ўйинлари шаҳар финалида йигирма уч ёш армиячи батальон қатнашмоқда. Улар орасида район мусобақаларида ғолиб чиққан 86 ва 126-ҳунар-техника билим юртлари ва 240-мактаб, қурилиш техникуми ва бошқа ўқув масканларининг командалари бор.

ТОШКЕНТ КОМСОМОЛИ

Комсомол ёшлар саҳифаси

КОМСОМОЛ ПАРТИЯНИНГ ИШОНЧЛИ РЕЗЕРВИ ВА УНИНГ ЖАНГОВАР ЁРДАМЧИСИ. ПАРТИЯ ЁШ ЛЕНИНЧИЛАР СОЮЗИГА МАСЪУЛИЯТЛИ ИШЛАРНИ ДОИМО ИШОНИБ ТОПШИРДИ ВА ТОПШИРМОҚДА. У КОМСОМОЛГА УМИД БОҒЛАШ МУМКИНЛИГИНИ ҲАМ БИЛАДИ.

К. У. ЧЕРНЕНКО.

ИШОНЧ ҲАМДА ТАЛАБЧАНЛИК БИЛАН

Г. МАКЛАКОВА,
лак-бўёқ заводи партия комитетининг секретари.

Тошкент лак-бўёқ заводи ҳозир ёшармоқда: реконструкция қилинмоқда. Янги цех қуриляпти. Бу эса лак-бўёқ маҳсулотларини анча кўпайтириш имконини беради. Иккинчи кварталда янги цехда янги хил лакни ишлаб чиқариш мўлжалланмоқда.

Реконструкция боряпти деганга қарамай, завод коллективи 1984 йил 1-квартал планини муваффақиятли бажарди. Бунга эса партия комитети цехлар ишига чуқур кириб боргани, кадрларни, ёш коммунистлар, мутахассисларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялашга катта эътибор бергани туфайли эришилди. Нега-ки, ёшлар келажагимиз. Олий ва ўрта махсус маълумотга эга бўлган мутахассислар ўз билимларини ҳаётга тадбиқ этиш, мураккаб ишлаб чиқариш масалаларини ҳал этишга муносиб ҳисса қўшиш иштиёқи билан тўлиб-тошгандир.

Завод партия комитети ёш коммунистларнинг ишчанлик фазилатларини ҳар томонлама ўрганяпти. Масалан, Светлана Тен олий маълумотли химик. Даставвал у техника кабинетида ишлади. Бу ерда у корхонада техникавий билимларни пропаганда қилди. Парткомда Светлананинг ишчанлик ва ташкилотчилик қобилиятлари ҳар томонлама ўрганилиб, унинг каттароқ ишларга қодирлиги аниқланди. С. Тен цех бошлиғи қилиб тайинланди. У ишга ғайрат билан киришди. Масалан ишни бригада усулида ташкил этишда катта жонбозлик кўрсатди. Цехда меҳнат ва технологик интизом мустаҳкамланди. Кўриниб турибдики, партком аъзолигига номзодлик масаласини шошма-шошарлик билан кўтаришга ҳожат йўқ эди.

Ёки бошқа бир мисолни олиб кўрайлик. Николай Соловьёв Ярославлдаги лак-бўёқ саноати институтини тугатди. У масалани кенг ўйлайдиган, ташкилотчилик қобилиятига эга бўлган мутахассисдир. Ҳозир у партия сафига киришга тайёргарлик кўрмоқда. Н. Соловьёв умидли ёшларимиздан. КПСС аъзолигига кандидат В. Кониндан ҳам умидимиз катта.

Ёш инженер Б. Нишонов 1982 йилда партия аъзолигига қабул қилинган эди. У автоматик бошқариш системасида инженер бўлиб ишларди. Партия комитетида унинг ташкилотчилик қобилияти борлиги аниқланди. У автоматик бошқариш системаси бошлиғи лавозимига тавсия этилди.

Партия комитети ёш коммунистларнинг ҳисоботларини тез-тез эшитиб боряпти. Улар ўз ишлари, малака ва сиёсий билимларини қандай ошириб бораётганлиги тўғрисида сўзлаб беришмоқда. Бундай ҳисоботлар чоғида биз юксак талабчанлик кўрсатяпмиз. Ишнинг бу формаси ёш кадрларни тарбиялашга, улар ишидаги баъзи камчиликларга ўз вақтида барҳам беришга кўмаклашмоқда.

Ёш коммунистларни, мутахассисларни тарбиялаш бўйича олиб борилаётган ишлар кўнгилдагидек натижалар бермоқда. Уларнинг кўпчилиги маъмурият ва партия комитети билдирган ишончни амалий иш билан оқламоқдалар. Бу эса жуда муҳимдир. Чунки ёшлар заводимизнинг келажагидир.



Шаҳримиз меҳнат коллективларида Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги шарафига социалистик мусобақа тобора кенг қулоч ёймоқда.

Республика марказий телеграф электр механиги комсомол аъзоси Татьяна Белкова зарбдор вахтада туриб ғайрат билан меҳнат қилмоқда.

«Главташкентстрой» 6-автокорхонасининг ҳайдовчиси, комсомол аъзоси Алишер Рустамов ҳам меҳнат беллашувида юқори натижаларга эришяпти. У смена топшириқларини мунтазам 130 процентга етказиб адо этяпти.

СУРАТЛАРДА: Татьяна Белкова ва Алишер Рустамов. М. Нуриддинов фотолари.



• *Ишнинг бригада усули*

СЛЕСАРЬ-ЙИҒУВЧИЛАР АҲДИ

Мана, учинчи йилдирки, мен комсомол ёшлар бригадасига бошчилик қиляпман. Бу вақт ичида аҳил коллектив қўпгина ишлаб чиқариш вазифаларини ҳал этди. 1983 йил топшириғини муддатидан илгари бажардик. Меҳнат унумдорлигини ўстириш бўйича топшириқ 104 процент адо этилди. Корхонада социалистик мусобақа ғолиби бўлдик.

Лекин олдинда вазифалар кўп. Бу йил республикамизнинг ишончли юбилейи шарафига бизнинг В. П. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмамизнинг кўпчилик ишчилари ўз зиммаларига оширилган мажбуриятлар қабул қилишди. Бригадамиз Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг шонли 60 йиллиги шарафига юбилейгача йиллик топшириқни бажаришга аҳд қилди.

А. БОБОЖОНОВ,
В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси слесарь-йиғувчилар бригадасининг бошлиғи.

• *Тажриба ва билим эгизак*

МЕҲНАТДА ВА ЎҚИШДА

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент политехника институтини инженер-кадрлар ўчоғи деб аташади. Бу ерда 13 факультетда халқ хўжалигининг кўплаб тармоқлари учун юқори малакали мутахассислар тайёрланади. Қишлоқ хўжалик машиналарига мутахассислар тайёрлаш зарурияти ошиб бораётгани муносабати билан механика факультетининг етакчи «Қишлоқ хўжалик машиналари» кафедрасини кенгайтириш керак бўлди. Унинг базасида бундан беш йил муқаддам трактор ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги факультети ташкил этилди. Бу факультетни битириб чиққанларни заводларда ва қишлоқ хўжалик бирлашмаларида кенг истиқболлар кутади.

Тошкентга қишлоқ жойларидан келган юзлаб йигит-қизлар «Тошкент трактор заводи»ни ишлаб чиқариш бирлашмасида меҳнат қилмоқда. Бу ердаги иш жараёнларини тезликда эгаллаб олишда уларнинг колхоз ва совхозларда техникадан яхши хабардорликлари яш бермоқда. Бу ерда улар ўзлари ёқтирган касбни танлаб олмоқдалар.

Кириш имтиҳонлари пайтида уларнинг кўпларини институт факультетига ҳужжат топширадилар. Фақат институтга кириш билан иш битмайди: иш ва ўқишни бирга қўшиб олиб бориш керак. Бунда эса кўпгина қийинчиликларни енгиб ўтмоқ лозим. 1-цех мастери Бегали Ишметов Тошкентга Бурчмулла посёлкасидан келган эди. Мана тўрт йилдирки, у иш ва ўқишни омухта қилиб боряпти. Унинг ўзлаштириши яхши. Кечки бўлимда таълим олаётган бу студент цех комсомол бюроси секретарининг ўринбосари бўлиб ишлаяпти.

— Сиз иш, ўқиш ва жамоат ишини бир-бирига қўшиб олиб боришда қийналмаяпсизми?

— Бунга яна оила ташвишларини ҳам қўшинг,— деб кулди Бегали. — Қийин албатта. Гоҳида чарчаб қоламан. Лекин бундан ҳеч қачон нолимайман. Дам олишга вақт топаман. Ўқишда ҳам, ишда ҳам кўл учида иш бажаришга менга ёт.

Шу цехда факультетнинг кечки бўлимида ўқиётган 20 студент ишлайди. Уларнинг ҳаммаси ишда ҳам, ўқишда ҳам ўрнак. Фақультетда машғулотлар шундай ташкил этилганки, биринчи сменада ишлайдиганлар ўқишга кечқурун боришади. Иккинчи сменада ишлайдиганлар эса машғулотларга эрталаб боришади. Барча лабораторияларда ишлари эса шанба кунига белгиланган. Бу эса барча топшириқларни шошмасдан, сифатли бажаришга имконини бермоқда.

— Келгусидаги режаларингиз қандай?

— Институтни тугаллагандан сўнг ўзимизнинг цехда қолиб ишлаймиз. Ўйлайманки, унгача квартира масаласи ҳам ҳал бўлиб қолса керак. Ҳозирча 7-ётоқхонада яшаяпман. Афсуски, бу ерда мустақил иш олиб бориш учун шарт-шароит йўқ. Машғулотлар учун алоҳида хоналар ажратилмаган. Ҳолбуки, ваъда қилишганига ҳам анча бўлиб қолди.

18-цехда участка комсорги, факультетнинг 4-курс студенти, 1-ётоқхона советининг раиси Жума Пардаев мустақил тайёрланиш учун шароитлар бор-йўқлигидан шикоят қилмади, лекин мақтагудай ҳам эмас.

— Тўғри, кутубхона ишлаб турибди. Лекин у ҳафтасига бир марта очилади. Бу кутубхонада илмий-техника адабиётлари йўқ. Синфхоналар бор-у, лекин чизма жиҳозлари йўқ. «Қизил бурчак»да шуғулланмоқчи бўлишса, доим берк туради, калит қидириб юриш керак... Шунга қарамай, цехимизнинг 40 га яқин ишчиси яхши ишлаб, яхши ўқишяпти. Ҳадемай 5-курс студентлари — слесарь А. Кулмирзаев, пармаловчи А. Боймурадова, токарь С. Султонова ва бошқалар ўқишни тугаллайдилар.

В. ГАЛЬКОВ.

• ДИҚҚАТ, ТАШАББУС

ЁШЛАР ОТАЛИҒИ

1-шаҳар сил касалхонасининг хўжалиги катта. Бу ерда бир неча даволаш корпуслари, овқатланиш тармоқлари, ўнлаб ёрдамчи хоналар бор. Булар олти гектар майдонни ишғол этади.

Бу ерга кирганда дастлаб ҳар қадамда учрайдиган кўм-кўк боғ-роғлар кўзга ташланади. Йўлкадан бораётганингизда ҳатто бинолар ҳам кўринмай қолади. Негаки бу ерда боғ-роғларни яхши кўрадиган қўли гул киши-лар ишлашади. Улар ҳар бир туп нав-ниҳолни меҳр билан парвариш қилишади.

Бу ерда фақат йўлкалар бўйидагина эмас, балки палаталарда, врачларнинг кабинетларида, коридорларда ҳам гулни кўрасиз. Бу гулларни улар ўз боғларида етиштиришади.

Тушки пайтда дастурхон устида кўкатларни — кўк пиёз, саримсоқ пиёз, укроп, кашничлар ва ҳоказоларни кўрганингизда яна бир ҳайратланасиз. Буларни ҳам магазин ёки бозордан келтиришмаган. Бу ҳам шифохона томорқасида етиштирилган. Буларнинг ҳаммаси шу ерда меҳнат қилаётган қизлар-нинг ғайрат-шижоати самарасидир. Комсомол ташкилотининг секретари Ҳакима Файзиева, ёш коммунист Хурсанд Носирова, Машкура Соипова ва бошқа йигирмага яқин қизлар шифохона боғи ва томорқасини оталиққа олишган. Улар юқорида айтганимиздек ҳар бир туп дарахт ва гулни меҳр билан парваришлаб, беморлар дастурхонига янги мева ва сабзавот маҳсулотлари қўйишяпти.

Шифохона партия бюроси ва маъмурияти ёш шифокорларнинг ташаббусини маъқуллади.

• КОММУНИЗМНИ ЎРГАНАМИЗ

Назариядан—практикага

Доҳиймиз В. И. Ленинининг асарларига тез-тез мурожаат қилиб тураман. Ҳар сафар унда ўзим учун янги бир нарса кашф этаман. Доҳийнинг доно фикрлари кишини ҳаяжонга солади. Биргина мен эмас, мамлакатимизнинг барча йигит ва қизлари, жаҳоннинг бутун прогрессив ёшлари Ильич асарларини қайта-қайта ўқимоқдалар, ундан ҳамиша қимматли маслаҳатлар олмоқдалар.

Доҳийимиз ёшларга коммунизмни ўрганиш кераклигини ҳамиша уқтириб келган эди. Ҳа, ёшлар мамлакатнинг келажагидир. Уларни қандай тарбиялашимиз, қандай инсоний фазилатлар, гражданлик туйғулари ҳосил қилишимиз катта аҳамиятга эгадир. Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш Давлат комитетининг йигит ва қизлари Ленин ғояларини конкрет ишларда амалга оширмоқдалар. Шу ишлардан бири комсомол ўқувидир. У ВЛКСМ аъзолари билан идеологик иш олиб боришнинг самарали формаларидан бири бўлиб қолди.

Бизда 18 та группа бор. Улардан бири иқтисодий таълим группасидир. Комсомол комитети ўқувнинг аҳволи, тингловчиларнинг қатнашиши, конспектлар тузиш устидан назорат ўрнатган. Бу ўқув йилида комсомол ўқувининг барча системаси такомиллаштирилди. Натижа эса чакки бўлмади. Сабабсиз машғулотларга келмаслик ҳоллари камайди, тингловчиларнинг активлиги ошди.

Биз ҳаёт талабига кўра ўқув программаларини ҳам такомиллаштириб боряпмиз. Айниқса назарияни коммунистик қурилиш практикаси билан боғлаб олиб боришга эътиборни кучайтиряпмиз. Ўқув жараёнининг методик савиясини оширяпмиз. Бизда пропагандистларнинг 90 проценти олий маълумотга эга, кўплари олий сиёсий маълумотга эга.

Биз тажрибали коммунистларга — ўз вақтини аямасдан ёшларни тарбиялашга катта ҳисса қўшаётган кишиларга самимий миннатдорчилик сўзларимизни изҳор этамиз. Булар— Ф. Мукимова, Э. Комилов, Н. Жўраев, Б. Юсуповлардир. Улар ёшларнинг ҳақиқий мураббийлари бўлиб қолганлар. Йигит ва қизларни коллективизм, юксак ахлоқий фазилатлар руҳида тарбияламоқдалар.

Комсомол комитети доимо пропагандистларга ёрдам бермоқда, уларнинг ташаббусини қўллаб-қувватламоқда. Бу йўналишда ижодий изланишлар оз эмас. Масалан, «Ўзбектелефильм» студиясидаги машғулотларда тематик диафильмлар кўрсатилмоқда. Комсомол сиёсий маорифи группаларида В. И. Ленин нутқи ёзилган нодир магнитофон ёзувлари тингланмоқда. Ҳамма жойда актив тингловчилар плакатлар, схемалар, диаграммалар, тематик альбомлар тайёрлашмоқда.

Бизнинг ташкилотимиз ижодий ташкилотдир. Биз идеологик иш олиб боряпмиз. Шунинг учун ҳам телетомошабинлар ва радиотингловчиларга партия ва ҳукуматимиз қарорлари моҳиятини чуқур сингдириш биз учун жуда муҳимдир.

Комсомол сиёсий маорифи системаси-даги машғулотлар телевидение ва радио ёш ходимларига иш самарадорлиги ва сифатини оширишга ёрдам бермоқда. Бизда тингловчилар сони муттасил ошиб боряпти. Лекция ва семинарлардан олинган билимлар уларнинг амалий ишларида қўл келмоқда. И. Исмоилова, Х. Отақулов, О. Лукьянчиков (чет эл эшиттиришлари), Г. Музропова, А. Очилов (радиоэшиттириш), Л. Расшупкина, С. Рябоконь, Н. Пугачук (телефильм) ва бошқалар шулар жумласидандир.

Бироқ, муваффақиятлар билан хотиржамланишга ҳали эрта. Бизнинг ишимизда иккинчи даражали масала бўлиши мумкин эмас. Ўқувни юксак савияда ташкил этиш билан бир қаторда биз учун энг муҳим вазифа ҳар бир тингловчининг ўз олган билимини ҳаётга тадбиқ этиши, умумий ишга қўшадиган конкрет ҳиссасини кўпайтиришга, коммунистик ахлоқ нормаларига қатъий риоя қилишига эришишдир.

О. ВОЛОВИК,
Ўзбекистон Телевидение ва радиоэшиттириш Давлат комитетининг комсомол комитетининг секретари.

• *Илғорлар намунаси*

1985 ЙИЛ ҲИСОБИГА

«Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг 2-фабрикаси тикувчилик цехига Фарида Муҳамедова бундан тўрт йил муқаддам келган эди. Тўғри мактаб партасидан келган қиз қисқа вақт ичида тажрибали мураббийлар ёрдамида тикув, попон машиналарида ишлашни ўрганиб олди. У ҳар бир ишга астойдил киришарди, жуда меҳнатсевар. Шунинг учун ҳам ёш тикувчи-мотористка тезда маҳоратга эришди. Фарида бир неча марта «Ўзбекистон» касбининг устаси» социалистик мусобақасида фабрика бўйича ғолиб чиқди.

Фарида Муҳамедова махсус попон машинасида хотин-қизларнинг кримплен костюмини тикиш бўйича жараёнларини пухта эгаллаб олган. Смена топшириқларини 1,5—2 ҳисса ошириб бажармоқда. У тайёрлаган буюм деталларининг сифати яхши.

Ҳозир халқ депутатлари Октябрь район Советининг депутати, коммунист, тикувчи-мотористка Фарида Муҳамедова 1985 йил ҳисобига ишламоқда.

• КЎРГАЗМАЛАР

«ИЛҲОМ» КЛУБИДА



Ижодкор ёшларнинг «Илҳом» клубида тошкентлик ёш рассомлар Маргарита Шувалова ва Диана Матевосянларнинг виставкаси намойиш қилинмоқда. Виставкани шаҳарнинг юзлаб аҳолиси ва меҳмонлари келиб кўришди.

Қизларнинг асарлари кўргазмага келганларда катта қизиқиш уйғотяпти. Шуниси қувончлики, ҳар иккала рассом ижоди ўзига хос ва қизиқарлидир. Диана Матевосянянинг асарлари ранглар жилоси ва композицион ечими билан кўзга ялт этиб ташланиб туради. Унинг айниқса «Кўчамизда қиш», «Ёшлар портрети» асарлари томошабинларга манзур бўлмоқда. У чизган табиат манзараларн ва натюмортлар ҳам ўзига хосдир.

Қаҳрамоннинг ички дунёси, унинг дунёқараши ва руҳий ҳолатни —Маргарита Шувалова асарларида асосий эътибор қаратилган жиҳатлар ана шулардан иборат. У чизган расмларга маҳорат, нозик лиризм ва чуқур психологизм хосдир.

А. ТЕРТЕРЯН.

СУРАТДА: кўргазмалар залида. А. Мальцев фотоси.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

ЯНГИ ГЭС ҚУРИЛМОҚДА

ХАНОЙ. Вьетнам марказий ясси тоғлигида Драйлинг ГЭСи қурилишида тайёргарлик ишлари кучайтирилиб юборилди. Бу ишлар Вьетнам халқининг ҳаётидаги шонли саналарга —Дьенбьенфу остоналаридаги ғалабанинг 30 йиллигига ва Хо Ши Мин туғилган кунининг 94 йиллигига бағишланган.

Драйлинг ГЭСининг лойиҳадаги қуввати 12 минг киловаттга боради. Бу ГЭСининг техникавий кўмаги билан ВСРнинг муттасил ривожланаётган иқтисодий районларидан бирида барпо этилмоқда. Уни 1987 йилда фойдаланишга топшириш кўзда тутилган. ГЭС қурилишини туширилганда ишлатилган у ерда барпо этилган йирик халқ хўжалик комплексининг таркибий қисми бўлади, ўнлаб саноат корхоналарига қишлоқ хўжалигига энергия беради.

• ХАЛҚАРО МАВЗУЛАРДА СУҲБАТ

ГЕГЕМОНЧИЛИК ЙЎЛИДАН

Кейинги вақтда Вьетнам— Хитой чегарасида вазият ғоят кескинлашди. Хитой томони 2 апрелдан бошлаб Вьетнам шимолидаги бир қанча вилоятлар—Куангнинь, Лангшон, Каобанг, Хатуен ва Лайтяу вилоятларини артиллерия ва миномётдан ўққа тутмоқда. 6 апрель кунидаги қуролли ғиғогарлик айниқса хавфли тус олди. Бир батальонча келадиган Хитой солдатлари Лангшон вилоятидаги территория участкасини босиб олишга уриндилар. Маҳаллий қуролли кучлар ва шу район аҳолиси бу ҳужумларни қайтариб, давлат чегарасини мустаҳкам ҳимоя қилдилар. ВСР Ташқи ишлар министрлиги Хитойнинг қуролли ғиғогарлигини Вьетнам суверенитети ва территориал бутунлигини қўпол равишда бузиш, Жануби-Шарқий Осиё ва бутун дунё жамоатчилик фикрига солинган дағдаға деб баҳолади.

Хитой томони апрелнинг кейинги кунларида ҳам қуролли ғиғогарликларни давом эттирди. Вьетнам информация агентлигининг хабарига қараганда, Хитой томони 16 ва 17 апрель кунлари Вьетнам шимолидаги вилоятлар территориясида жойлашган 40 га яқин районни артиллерия ва миномётдан ўққа тутган. Хоангльеншон вилоятининг бир қанча уездларида қуроллан-ган Хитой солдатлари Вьетнам территориясига суқилиб киришга уринганлар. Бу ҳаракатлар натижасида вьетнамлик тинч аҳоли ўртасида кўпгина кишилар ҳалок бўлган ва жароҳатланган, талайгина уй-жойлар ва жамоат бинолари вайрон бўлган.

Пекинининг ВСРга қарши душманчилик ҳаракатлари май ойида ҳам тўхтамаётир. Хатуен чегара вилоятининг бир қанча районлари ҳар куни артиллериядан ўққа тутилмоқда. Ана шу вилоятдаги Висюен уездида Хитой томони қуролли ғиғогарликларни амалга оширди. Хитой солдатлари Куангнинь вилоятини қуроллар ва миномётлардан ўққа тутди. Бу ерда май ойининг биринчи ярмидагина 13 киши ҳалок бўлди ва 23 киши жароҳатланди. ХХР кемалари Социалистик Вьетнам территориал сувларига кўп марта бостириб кирди.

Хитой экспансиячилари ва гегемончилари жиноятларини текшириш комиссиясининг куни кеча Хитой томонининг кейинги ойларда Лангшон вилоятида ВСРга қарши қилган душманчилик ғиғогарликлари тўғрисидаги ахбороти эълон қилинди. Ҳужжатда кўрсатиб ўтилишича, Хитой артиллерияси вилоят территориясига қарийб 40 мингта снаряд, мина ва ракета ёғдирган. Хитой солдатлари чегарани катта-катта кучлар билан бузиб ўтиб, бир қанча тепаликларга ўрнашиб олишга уринганлар. Айни вақтда Пекининг ВСРга қарши психологик уруши, жосуслик ва қўпорувчилик фаолияти кучайтирилмоқда.

Комиссиянинг кўрсатиб ўтишича, Пекининг Вьетнам — Хитой чегарасидаги қуролли ғиғогарликлари натижасида 1979 йил февралидан кейинги энг жиддий вазият вужудга келган. Бунинг устига Хитой маъмурлари Вьетнам билан чегарада қуролли кучлар ва қуроллар сонини кўпайтирмоқда, ҳарбий иншоотлар ва коммуникациялар қуришни кенгайтирмоқда.

Вьетнам, Лаос, Кампучия ва Жанубий-Шарқий Осиёдаги бошқа мамлакатлар оммавий ахборот воситалари Вьетнам — Хитой чегарасида вужудга келган аҳволни таҳлил этиб, Хитой томонининг кескинлик-ни кучайтиришга қўл жиҳатдан гегемонизм ва гегемончиларнинг халқ Камбоджаси территориясида демократик коалицион ҳукуматини деб аталмиш қўғирчоғи остида яширинган чилар ва бошқа провокацион кимер гуруҳларини назорат қилиб турган районларни кенгайтириш режалари бод бўлганлиги ва бўлиқ эканлигини таъкидламоқдалар.

Кампучия халқ революцион армияси ва халқ қўшинлари вьетнамлик ҳарбий гиллиларнинг ёрдами билан полпотчи ҳукумат ларни тор-мор келтирилди. 27 декабрдан апрелгача бўлган даврда полпотчи ўлдаларга қарши қанча кучли зарбалар берилди. Ана шу операциялар натижасида кўплаб дан кўпроқ базалари дан чиқарилди, ҳарбий материаллари Хитойда ишлаб чиқарилган рилган кўп миқдордаги қурол-яроғ, ўқ-дорилари ҳарбий аноҳонда ташлаб тушкарилди. Кампучия халқ революцион армиясининг ҳарбий матбуоти ва миллий мудофаа министрлигининг хабарларига, қозир вьетнамликларнинг районлари бутунлай халқ-революцион армияси назоратига ўтган ва ўтиб бораётгани ёки ўтиши керак-лиги тўғрисида ёзмоқда.

Матбуотда таъкидланишича, Хитой-Вьетнам чегарасидаги вазиятнинг кескинлашуви ғайрати туфайли Пекин ўзининг полоцк ва Лайчау провинцияларидаги ҳарбий аноҳонда ташлаб кетган ҳарбий материалларини ташиб олиб кетишга ҳаракат қилаётгани ҳам айтилмоқда.

ВСР Хитойнинг ташқи сиёсатини ўзгартириш ҳақидаги радаги қуролли интервенция ва провокацияларга қатъий ҳужум бериш билан айни вақтда Хитой ҳукумати Вьетнам— Хитой муносабатларини нормаллаштириш, Жанубий-Шарқий Осиёда мир ва барқарорликни мустаҳкамлаш проблемалар бўйича комплексини ҳал этиш АСЕАН мамлакатлари билан мулоқотни ғайтириш йўлларини излаётганлиги дирмоқда. ВСР Министрлар Кенгашининг раиси Фам Ван Донг бундай деди: «Биз яхши қўшни барча чет эл давлатлари рининг Жанубий-Шарқий Осиёдан олиб кетилишини қўллаб-қувватлаймиз. Бу гиондаги барча давлатларнинг базаларининг тугатилишини кўзда тутган шунингдек «Ёпиқ ялпи ҳал этиш тўғрисидаги да ахдлашувга эришиш га тайёрмиз.

М. МАСЛЕННИКОВ,
(ТАСС).

ҚУВОНЧЛИ ЮТУҚЛАР

БЕРЛИН. «Интеркосмос» программаси доирасида амалга оширилаётган биргаликдаги ечим ва тадқиқотлар, деди ГДР фан ва техника масалалари билан шуғулланувчи министрлик статс-секретари К. Штубенрвух, ГДР билан СССР ўртасидаги илмий-техника ҳамкорлиги ёрқин ютуқлари жумласидандир.

Муҳим халқ хўжалик аҳамиятига эга бўлган асосий технологияларни ишлаб чиқиш, деб таъкидлади у, ҳар икки мамлакат ўртасида фан ва техника соҳасида кооперация учун характерлидир. Жумладан, хом ашё ва материалларни қайта ишлаш, микроэлектроника ва робототехникани кенг кўламда амалий қўлланиш, умумий стандартлардан фойдаланиш масалаларини та эътибор бериш да. ГДР билан СССР мутахассисларни биргаликдаги ғайрати туфайли полоцк ва Лайчау химия корхоналарини қурилмаларининг ватини оширишга ёрдам шилди. Бу корхоналарда юқори технологик методи билан тайёрланган ишлаб чиқарилган линиялар қурилган.

ФОТОКАЛЕЙДОСКОП

● Данниядаги цирк труппаларидан бирига қарашли 14 ёшли Сиам лақабли фил ўзининг тор ва дим «квартира»сида ортиқ тоқат қила олмади. У девордан ҳеч бир қийинчиликсиз дарча очиб, баҳор шабадаси ва қуёш нурларидан баҳраманд бўлмоқда.

Прессенсбильд — ТАСС фотоси.

* * *

● Бу баҳайбат туфли Эссен шаҳри яқинидаги кўлга бежиз «тушиб» кетмаган. Уни баланд бўйли афсонавий паҳлавон оёғидан итқитиб юборган деб ҳам ўйламанг. Янги ўйлаб топилган бир ўринли бу дам бериб шиширилладиган қайиқчанинг кишилар синаб кўриш учун кўлга ташлашган. «Сузувчи туфли» ГФРда ихтиро қилинган бўлиб, сув тўсиқларидан ва саёҳатлар пайтида сузиб ўтишга мўлжалланган

АП—ТАСС фотоси.





Тинчлик, социал тараққиёт ва халқлар озодлиги учун!

Тошкент-84 — Осиё, Африка ва Лотин Америкаси халқлари кинофестивали

● СЎЗ—ФЕСТИВАЛЬ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Олижаноб идеаллар йўлида

Христо КАРАЦАНОВ,
Софиядаги «Интерфильм» агентлигининг халқаро алоқалар бўлими бошлиғи, Болгария Халқ Республикаси.



Бугунги кунда халқаро кино байрами — фестивалларга меҳмонлар билан хизматчиларга Тошкент биз ташрифлаётган саҳнасини кўрсатаётган ижодкорларни ҳам ўз ижодий учрашувларини ҳам жуда қизиқтиради. Мен илгари Тошкентга келганимда Шарқ мамлакатларига бўлган қизиқишнинг тобора ортиб бораётганини кўрдим. Бу эса Тошкентга қўйилган талабларнинг ҳам ортиб боришини англатарди. Шу боис биз Тошкентга келишдан олдин ўзимизни «Ибодуллаев ва унинг шогирдлари водийси» фильмини Москвада бўлиб ўтган VI Халқаро кинофестивалида намойиш этганимиздан кейин ҳам ўша фестивалда қатнашган пайтимизда ҳам ўзимизни ташвишга солиб қўйган эдик. Ўшанда ҳар хил мамлакатларни танқид қилувчи картинам мукофотлар билан тақдирланган эди.

Ўтган сафар VIII Халқаро фестивалида намойиш этилган кинолентамизни кўрсатишга қўрқа-писа ҳозирланган эдик. Ўшанда ҳар хил мамлакатларни танқид қилувчи картинам мукофотлар билан тақдирланган эди.

Ўтган сафар VIII Халқаро фестивалида намойиш этилган кинолентамизни кўрсатишга қўрқа-писа ҳозирланган эдик. Ўшанда ҳар хил мамлакатларни танқид қилувчи картинам мукофотлар билан тақдирланган эди.

Бизнинг ватанимизда ҳалигача социал табақаланиш, бойлар ва камбағаллар ўртасида тафовут жуда кучли. Масалан юқори табақа вакиллари билан камбағаллар бир жойда тўпланиши ёки овқатланиши катта кўнгилсизликларга сабаб бўлиши мумкин. Икки тоифанинг ёшлари бир-бирларини севиб қолганларида ҳам ана шундай можаролар келиб чиқиши табиий. Масалан, фильм қаҳрамони камбағал тоифа орасидан чиққан Сурендра ўз меҳнати билан билим олиб, профессор даражасига кўтарилганига қарамай, у севган Депа исмли қизнинг отаси ўзининг олий табақадан эканлигини пеш қилиб ёшларни бир-биридан айиришга ҳаракат қилади...

Бундай социал проблемаларни кўтариб чиқиш Непал прогрессив киносанъаткорл а р и нинг асосий мақсадига айланмоқда. Бу йўлда мамлакатимизда ҳақиқат метражли фильмлар ишлаб чиқарувчи «Интерфильм» студиясининг элликдан ортиқ картиналарини олиб келдик. Уларнинг 20 дан кўпроғи видеокассеталар орқали фестиваль иштирокчилари ва меҳмонларига кўрсатилади. Биз бу ерда бугунги шароитда замонавий қисқа метражли фильмлар яратишнинг жаҳондаги мавжуд илғор тенденциялари билан танишамиз, айни пайтда ўз тажрибаларимизни намойиш этиш имконига эга бўламиз. Айтиш мумкинки, кейинги йилларда бу жиҳатдан болгар киноҳужжатчилари ҳам бир қатор ютуқларга эришдилар. Агар бу ютуқларимизни совет экран усталари билан ҳамкорликда олиб борилаётган ижодий ишлар билан қиёсласак, ўзаро ҳамкорлик нақадар катта имкониятлар очиб бераётганлиги маълум бўлади. Яқинда биз «Латвияфильм» киностудияси ижодкорлари билан ҳамкорликда «Қардошлик» деб номланувчи кўп серияли фильмнинг биринчи серияси томошабинларимизга ҳавола этдик. Картинанинг қолган икки серияси ҳам Викторос Старошас режиссёрлигида Латвияда суратга олиняпти. Биз бу картинада болгар ва совет халқларининг дўстлик алоқаларини кўрсатишга ҳаракат қилдик.

Тошкент фестивали жаҳондаги муштарак мақсадли киноарбоблари учрашадиган, ижодий мулоқотлар олиб борадиган анъанавий кино байрамидир. Шубҳа йўққи, олижаноб идеалларга хизмат қилаётган Тошкент фестивали жаҳон прогрессив кинематографияси тараққиётига муҳим ҳисса қўшади.

Ижод мактаби

Лакминат ШАРМА, кинорежиссёр, Непал.



Халқаро Тошкент кинофестивали кино санъатини тарғиб қилиш билан боғлиқ бир қатор тадбирларни ҳам ўз ичига олади. Чунончи, фестиваль кунларида бу ерда иш олиб борадиган ҳар бир мамлакатнинг кино усталари ўз фильмларини бошқа мамлакатларнинг томошабинларига тавсия этиши ёки уларнинг картиналарини ўз томошабинлари учун сотиб олиши мумкин. Бизнинг болгариялик экран усталари ҳам фестивалнинг ана шундай тадбирларида иштирок этади.

Биз бу ерга Софиядаги ҳужжатли ва қисқа метражли фильмлар ишлаб чиқарувчи «Интерфильм» студиясининг элликдан ортиқ картиналарини олиб келдик. Уларнинг 20 дан кўпроғи видеокассеталар орқали фестиваль иштирокчилари ва меҳмонларига кўрсатилади. Биз бу ерда бугунги шароитда замонавий қисқа метражли фильмлар яратишнинг жаҳондаги мавжуд илғор тенденциялари билан танишамиз, айни пайтда ўз тажрибаларимизни намойиш этиш имконига эга бўламиз. Айтиш мумкинки, кейинги йилларда бу жиҳатдан болгар киноҳужжатчилари ҳам бир қатор ютуқларга эришдилар. Агар бу ютуқларимизни совет экран усталари билан ҳамкорликда олиб борилаётган ижодий ишлар билан қиёсласак, ўзаро ҳамкорлик нақадар катта имкониятлар очиб бераётганлиги маълум бўлади. Яқинда биз «Латвияфильм» киностудияси ижодкорлари билан ҳамкорликда «Қардошлик» деб номланувчи кўп серияли фильмнинг биринчи серияси томошабинларимизга ҳавола этдик. Картинанинг қолган икки серияси ҳам Викторос Старошас режиссёрлигида Латвияда суратга олиняпти. Биз бу картинада болгар ва совет халқларининг дўстлик алоқаларини кўрсатишга ҳаракат қилдик.

Тошкент фестивали жаҳондаги муштарак мақсадли киноарбоблари учрашадиган, ижодий мулоқотлар олиб борадиган анъанавий кино байрамидир. Шубҳа йўққи, олижаноб идеалларга хизмат қилаётган Тошкент фестивали жаҳон прогрессив кинематографияси тараққиётига муҳим ҳисса қўшади.

ҳат ҳақида ҳикоя қилувчи лента-лар сифатида кутиб олинаётган Совет фильмлари, ўзбек экран усталари яратган кино асарлари ҳам бизга катта ёрдам беряпти. Айниқса, уч қитъадаги прогрессив кино арбоблари учрашадиган, ижодий мулоқат ва мунозаралар олиб борадиган, бирбирларининг ютуқ ва камчиликларини холис баҳолаш имкониятини туғдирган Тошкент фестивалларини биз учун катта ижодий мактаб бўлмоқда.

Экранда — Афғонистон

Узбек киноҳужжатчилари яратган «Афғонистон: революция давом этади», «Республикага қарши ким ўқ ўзяпти» фильмларида Савр инқилобидан сўнгги афғон воқеалари ёритилган.

Афғон инқилоби темасида совет киноҳужжатчилари бир нечта фильмлар яратишди. Журналист А. Каверзневнинг «Афғон кундалиги», тожик киноҳужжатчилари яратган «Республика тонги», «Республикага қарши фитна» каби фильмлар шулар жумласидандир.

Савр инқилоби темасида совет киночилари яратган баъзи фильмлар инқилобдан сўнг мамлакат халқи ҳаётидаги ўзгаришлар, инқилобни душманлардан ҳимоя қилиш каби воқеаларни ёритади. 1982 йилда ҳужжатли фильмлар Марказий студиясида яратилган «Афғонистон: курашда бирдамлик» фильми ижодкорлари Г. Меликян ва И. Ганцевлар эса мамлакат тарихида бўлиб ўтаётган биринчи партия конференцияси ва унда кўрилаётган масалалар орқали томошабинга мамлакатнинг революциядан сўнгги аҳволи ҳамда афғон демократик партияси тутаётган одилона йўл ҳақида ҳикоя қилади.

«Кобулнинг жазирама ёзи» фильми афғон ва совет кинематографчилари ўзаро ҳамкорликда суратга олган биринчи бадиий картинадир. Фильмда совет хирурги—профессор Фёдоров бош образдир. Совет врачи Афғонистон ҳукуматининг илтимосига кўра инсонлар ҳаётини сақлаб қолиш учун ёрдамга боради. Унинг кузатишлари орқали томошабинга Кобул шаҳрининг манзаралари кўрсатилади.

Фильмни катта интернационал коллектив суратга олган.

Афғон кино ижодкорларининг Тошкент Халқаро кинофестивалида қатнашиши аънанага айланиб қолди. Ўтган сафарги Тошкент киноанжуманида режиссёр Халил ўзининг «Ўйғониш» номли фильми билан иштирок этган эди. Бу фильм ўзининг яратилиш услуби, жанри жиҳатидан шу пайтгача «Афғонфильм» киностудиясида яратилган бошқа фильмлардан ажралиб туради. Картинани оилавий ва социал драма деб ҳам аташ мумкин. Фильмда революциядан сўнг афғон қишлоғида бўлиб ўтаётган воқеалар тасвирланиб, режиссёр томонидан киноҳужжатга бадиий тўқима моҳирлик билан сингдириб юборилган. Ҳаётдаги қатор ижтимоий, актуал масалаларни кўрсатиш, сиёсий проблемаларни очиб бера олиш фильмнинг публицистик руҳини кўтарган. Экранда ҳали томошабин жавоб топишга тайёр бўлмаган воқеалар намоён бўлади. Фильмнинг яна бир ажойиб томони шундаки, унда янги ҳаётни ташвиқот қилиш билан бирга ликда, бугунги афғон қишлоғи кишилари ҳаёти ҳақидаги ҳақиқатни кўрсатилади. Режиссёр инқилобдан сўнг мамлакатдаги босмачилар туфайли чигаллашган ҳолатни оиладаги драматик воқеалар тасвири орқали ифодалайди.

Бу фильм Халқаро Тошкент VII кинофестивалида юқори баҳоланиб, «Советский экран» журнали мукофотига сазовор бўлди.

Афғон кинематографияси тарихига назар ташласак, у ҳали жуда ёш эканининг гувоҳи бўламиз. Гарчанд биринчи фильм ишлангани га 40 йил бўлган бўлса ҳам 60-йилларнинг охиригача «Афғонфильм» қошида мунтазам равишда фильмлар суратга олинмади. Бунинг сабаби — кино учун керакли техниканинг, кадрларнинг етишмаслигида эди. Инқилобгача олинган фильмлар эса тор доирадаги томошабинлар аудиториясига мўлжалланган учун улардан воз кечилди. Ҳозир Ватанимиз пойтахтидаги Бутунттифоқ Кинематография институтини тамомлаган бир гуруҳ афғон киноижодкорлари революция манфаатларини ҳимоя қилиб курашаётган афғон халқи ҳақида ҳикоя қилувчи фильмлар яратмоқдалар. VIII Халқаро Тошкент анжуманида ҳам биз уларнинг ажойиб фильмларини кўрамиз.

Қ. СУПИЕВ.



Куба кинематографчилари Халқаро Тошкент кинофестивали экранларига бир қатор картиналарни тавсия этишган. Озодлик оролида социализм қурилиши ҳақида ҳикоя қилувчи, халқнинг ижтимоий тараққиётда эришаётган ютуқларини тасвирланган бу картиналарнинг кўпчилик муаллифлари Москвадаги Бутунттифоқ кинематография институтида таҳсил олишган.

СУРАТДА: Москвадаги Бутунттифоқ кинематография институтини тамомлаган кубалик экран усталаридан бир группаси.

ОИЛА даврасида суҳбатлар

● АЖОЙИБ НАСИҲАТЛАР

Ҳикматнома

● Вақт — чопқир отдан ҳам тез.

● Дарахтнинг шохлари томирининг ҳолатидан хабар беради.

● Одамнинг феълу атвори оиласининг қандайлигига далилдир.

● Балодан қутулиш — ростгўйликка боғлиқ.

● Рубоий:

Одамлар яхшининг эши бўлади,
Яхши эса одам пеши бўлади.
Очкўз доим «емиш»[1] ҳақида ўйлар,
Шунинг-чун емишнинг «меши» бўлади.

ЖАҲЛ ВА ҒАЗАБНИ СЎНДИРИШ ҲАҚИДА

● Дунёда инсонга ғазабдан кўра зарарлироқ нарса йўқ. Ғазаб аввало бошқаларни ғамқайғуга солишдан ташқари, ғазаб қилувчининг ўз асабини ҳам ишдан чиқаради.

● Рубоий:

Ғазабдан одамлар тўй бошлайди,
Йўлингга тузоғин қўя бошлайди.
Қайғунинг кўзига қўлингни тиқсанг,
Қарагин, бир онда қия бошлайди.

● Ҳақиқий идрокли ва фаҳму фаросатли киши жаҳл ва ғазабини мулойимлик ва сабр суви билан ўчиради, ғазаб оловини чидам дарёси билан маҳв этади.

● Ғазаб олови тўлқин урганда унинг ҳужумларини нима қайтаради? Бунинг учун қуйидаги нарсаларни ёдга ол:

— дунёда фақат сенгина ғазабга эга эмассан, сенга ҳам ғазаб қилувчилар бор.

— кечиришдаги лаззат ва унинг хуш хислат эканини, ғазаб орқали юз берадиган жиноят ва унинг жазосини ёдга ол.

— ғазаб туфайли юз берган ишдан сўнг ҳосил бўладиган пушаймонлик, унинг орқасидан келадиган таъна ва ёмонланишлар ҳақида фикрла.

— ғазаб қилиб, кулфатга учраганингдан аввалги хуш вақтларинг ва ундан кейин келган оғир ҳолатларни кўз олдингга келтир.

● Ўзингдаги ғазабларни сўндириб, мулойим инсонга айланган пайтингда кишиларнинг сенга бўладиган мойиллиги, ҳурмат ва муҳаббати ҳақида ўйла.

● Ўзгаларга жаҳл ва ғазаб сочишнинг оқибати ҳамиша пушаймонликдан иборат бўлади.

● Рубоий:

Фалак пештоқида, қарагин, ҳилол,
Тўлишиб, камайиб топаркан завол.
Юракдан қичқирар: — Умринг ўтмоқда,
Заволинг етмасдан топиб қол камол.

М. ҲАСАНОВ тайрлаган.

1. Мақлуб санъати бўйича, «емиш» ҳарфлари ўзгартирилса, «меши» ҳосил бўлади.

ОМОН БЎЛИНГ, АЗИЗИМ!..

Иззатингдан айрилма

Онлада эркак кишининг файзи, салобати, улуғвор ҳурмати бор. Эркак киши эркак-да, оқил эр бош бўлган хонадон обод, бола-чақа бахтиёр яшайди. Аёлларимиз эр кишини, ўз онла султонини доим иззат-икромда тутади, уларни чексиз қадрлайди. Лекин, афсуски баъзан орамизда онладаги бурчини, аёллик латофатини, ўзбек аёлларига хос иффат-назокат, ҳаё-андишани унутиб қўяётган хотинлар ҳам учрайди.

... Бугун Қодиржоннинг кайфияти суст. Кун бўйи ўзи билан ўзи гаплашди. Ишида ҳам тайин бўлмади. Эрталаб хотини кайфиятини бузди. Ҳар галгидек жанжал арзимаган нарсадан чиқди. Чой устида ўғилчаси қўлидаги чинни пиёлани синдириб қўйди. Хотини боланинг юзига «таснр-тусир» қилиб икки шапалоқ урди. Бундан Қодиржоннинг асаби таранглашди:

— Ярамас, болани ҳам шунақа урадими?.. —Ҳа, мен «ярамас», сиз «оппоқ». Мана бу «оппоқ» ҳам худди ўзингизга тортяпти.

Бу гап Қодиржоннинг жон-жонидан ўтиб кетди. Кейинги пайтда хотини ўзгариб қолди. Нега? Ўқитмаса бўлармиди?.. Ўйлаб толади. Ўзи биладиган ўқимишли аёлларни бирма-бир хаёлидан ўтказади. Хотинига таққослаб кўради. Йўқ, улар бутунлай бошқа дунё...

Хотин киши уй-жойни, бола-чақа, муроса-ю-мадорани ўйламаса, охири нима бўлиши маълум... Тарбия жараёнида боланинг «қулоғи кар, кўзи кўр» пайтлар бўлиши ҳаммага маълум. Шўхлик қилиб бирор нарсани туширib юборади, тўкади ёки синдиради. Бунинг учун болага бақириш-чақиришнинг ҳожати йўқ. Яхшиси «Қара, нима иш қилиб қўйдинг? Мана бундай ушлаш керак. Юрганда секин, оёқнинг тагига қараб юриш лозим». десангиз, олам гулистон. Эҳтиётсизлиги орқасида шу ишнинг содир бўлганига бола ачинади. Бошқа пайт огоҳроқ бўлади. Шу йўсинда болани онгли ҳаётга қўникtириб борамиз, ўзимизнинг ҳам, фарзандимизнинг ҳам асабини сақлаган бўламиз.

Бола олдида ота шаънига бўлар-бўлмас гапларни гапириш унинг тарбиясини бузади, ота обрўсига путур етказади.

Ҳаётда ҳар хил ишлар бўлади. Баъзи эркакларнинг йўлдан адашган ҳолларини эшитамиз. Бу, албатта, ёмон. Хотини, болаларини ўйлаб ачинамиз. Бундай ҳолларда баъзи аёллар ўта изтироб чекса ҳам, сирини ошкор қилмасликка уринади. Буни аёл ор-номуси деб биладн ҳамда эрининг шаънига ёмон гаплар айтишга тили бормайди. Ҳар ҳолда болаларининг отаси шунча йил бирга яшагани юз-хотирасини қилади. Яхши от ҳам баъзан қоқилади, дейишади. Яхши кунларга умид боғлаб, сабр қилади.

Бир қанча аҳил, бахтиёр онладар турмушни кузатиш, ўрганиш натижалари шуни кўрсатадики, онлавий бахт эр-хотининнинг бир-бирига садоқатли, меҳр-муҳаббатли бўлишида, ишда, ўқишда, уй ишларида, болалар тарбиясида бир-бирларига кўмаклашишлар и д а юзага келади. Демак, аёл бахти — онла тотувлигида, ўғил-қизларининг бахтини кўришдадир. Бу бахт учун курашмаган аёл ҳаёт лаззатини тотий олмайди.

Эр-хотин ўртасидаги келишмовчилик л а р нинг сабаби ўрганилса, уларнинг кўпчилиги арзимаган гапдардан бошланганини кўрасиз. Кўпинча эркакнинг гапига аёл терс жавоб беради, аёлнинг гаплари эрга оғир ботади. Шу билан жанжал бошланади, асаблар зирқирайди. Шундай ҳолларда икки кишидан бири бир оғиз гапдан қолса, оғирлик қилса, ширин гапирса, «кечиринг» сўзини тилга олишдан орланмаса —олам гулистон.

Эр ҳам, хотин ҳам муомалада ўз турмуш ўртоғининг айни вақтдаги руҳий ҳолатини ҳисобга олиши лозим. Ишдан чарчаб қайтган кишига дағалроқ, ёки ўринсиз гап ёмон таъсир қилади. Бирор нарсадан диққат бўлган чоғда ҳам шундай. Бир-бирини чинакам севган, ҳурмат қилган, эъзозлаган юраклар ҳамма вақт буни ёдда тутадилар. Киши онлавий ҳаётидан мамнун бўлса, иши ўнгидан келаверади. Кўнгилхушлик билан уйдан чиқдингиз. Атроф сизга кулиб боқ қандек. Ҳамма билан очилиб-сочилиб гаплашасиз. Ишингизда ҳам унум-барака бўлади, чарчоқни билмайсиз.

Яхши кайфият билан уйга қайтдингиз. Болачақа билан ёзилиб дам оласиз. Ўғлингизнинг дарсини суриштирасиз, рафиқангизга қарашасиз, қизчангизни эркалаб қўясиз. Бу ишлар сизга малол келмадими? Йўқ, албатта, аксинча! Бундай муомала-мулозаматдан аёлнинг ҳам, эркакнинг ҳам мавқеи, обрўси пасаймй қолмайди. Аксинча қадри ошади, онла мустаҳкамланиб боради. Фарзанд тарбияси яхши бўлади.

Хўш, онладан қачон тинчлик кетади? Ўртадан инсоф кетса! «Сендан нимам кам» қабилида иш тутилса, камситилса, мансаб, молдунёга ҳирс қўйилса, оғирлик бир томонга тушса, умуман тенглик қонуни бузилса, онлада тинчлик-хотиржамлик бўлмайди.

Қарс —икки қўлдан, дейди доно халқимиз. Қаерда тенглик қонуни бузилса, ўша ердан тинчлик кетади, ҳузурхаловат йўқолади. Ҳаётий тажрибалар шуни кўрсатадики, қаерда аёл киши бағмайн бўлса, ҳаёт сувининг гоҳо лойқаланиб, гоҳо тиниб оқишларига бардош беролсагина уйи-уй, жойи-жой бўлади. Бахт, барака бу хонадондан аримайди.

Ойшахон ТЎРАЕВА,
педагогика фанлари кандидати, доцент.

КАЛЕНДАРЬ ТАРИХИ

Ноёб экспонат— чор цензураси тақиқлаган «1908 йилги ҳамма учун календарь» Шуядаги М. В. Фрунзе музейининг коллекциясига қўшилди.

Календарь 1907 йилда «Свободная земля» нашриётида босилган. Ўша вақтда Ильичнинг сафдоши М. Кедров шу нашриётни бошқарарди.

Календарнинг махфий тарзда тарқатилган қисми нусхаларидан бири яширин йўллар билан Шуяга бориб қолади. Бу ерда эса ишчи К. Болотов оиласида кўп йиллар давомида сақланади. Яқинда унинг қизи оилавий ёдгорликни М. В. Фрунзе музейига топширди. (ТАСС).

ГАБРОВОЛИКЛАР ХАНДАСИ

МЕҲМОНДА

Габроволик боласи билан қишлоқдаги қариндошникига меҳмонга борди. Мезбон габроволикнинг ўғлига деди:

— Кафтингни оч, ўғлим, мен сенга ёнғоқ бераман.

— Яхшиси отамга бера қолинг.

— Нега, сен ёнғоқни ёмон кўрасанми?

— Йўқ, отамнинг кафти меникидан каттароқда.

КОНДУКТОРСИЗ ТРАМВАЙДА

Бир габроволикдан сўрадилар:

— Нима учун сиз ҳар бекатда трамвайдан тушиб, яна чиқасиз?

— Вагонга контролёр чиқиб қолса, «хозиргина чиқдим» дейиш учун шунақа қиламан.

ГАПИРИШГА УЛГУРДИ

Устага пул кетқизмаслик учун габроволик ўзи ошхона томига чиқиб, уни тузатишга киришди. Лекин габроволикнинг бошн айланиб томдан пастга қуладн. Қулаётиб у ошхона деразасидан қараб турган хотинига:

— Ойиси, бугун менга тушлик одат тайёрлама! — дея гапириб олишга улгурди.

ТЕКИН БЎЛСА...

Габроволик колбаса сотиб олаётган пайтда сотувчи унга горчица ҳам қўшиб берди.

— Менга горчица керак эмас, уни хохламайман, —дедн габроволик.

— У колбасага қўшиб, текинга берилади,— дея тушунтирди сотувчи.

— Ундай бўлса менга фақат горчица беринг.

УҚИҒАН БОЛА

— Кўз олдингизга келтиринг-а, мен ўғлимга тушликка келаман, деб хат ёзиб ташлаб кетган эдим. Уйга келсам у йўқ.

— Демак, у хатингизни ўқибди-да, — деди габроволик.

ЭГИЗАКЛАР ОТАСИ

— Мана, эгизак ўғилларимнинг фотосурати. Кўрасанми?

— Лекин бу суратда биргина бола-ку!

— Шунинг ўзи ҳам етарли. Икки томчи сувдай бошқаси ҳам мана шу фотодагига ўхшайди, —дедн габроволик ота.

С. ГАФУРОВ таржимаси.

● ҲАЁТ ЗИЙНАТИ—МЕҲНАТ

ЁРҚИН ЙЎЛ

«Инсон бахтли яшаши керак!»— Бу гап заминида фаровон турмуш, ширин оила, жўшқин меҳнат, касб-ҳунарга муҳаббат мужассамлашган.

— Кўпчилик одамлар, бахт нимада, инсон нима қилса бахтли бўлади? деб сўрашади, — оғир-вазмин гапиради Маъруф ака Раҳмонов. — Тақдирнинг яхши-ёмон бўлиши асосан, номаълум дунёдан яратилиши умид қилинмайди, ҳар бир одам бахтини, тақдирини қўл билан яратади. Меҳнат қилмаган, ҳаракат қилмаган одам ҳеч қачон бахт-саодатли бўлмайди. Зеро, яхши бир нақл бор: ишлаган-тишлайди. Ҳа, худди шундай, меҳнат қилган топади, бекор ётган толади, хор бўлади. Мен ўзим ишлаётган «Компрессор» заводига ишга келганимда шу меҳнат гўшамни иккинчи уйим, нон-туз топадиган масканим, бу ерда ишлаётганларни эса оила аъзоларим, жигаргўшаларим деб билдим.

Корхонада эришилган катта-кичик ютуқлар ҳаммамизники. Биз ишчилар бир ота-она фарзандларидек, бир оила аъзоларидек иноқ, аҳил ва ҳамжиҳат меҳнат қиламиз.

Қасбига меҳр-муҳаббати зўр Маъруф ака Раҳмонов заводда узоқ йил меҳнат қилиб, изза-ҳурмат, обрў-эътибор топди. Ҳозир у заводнинг 4-темирчилик-пресслаш цехи термистлар бригадасининг бошлиғи. Бу бригада заводда илғорлардан ҳисобланади. Геннадий Подгорний, Ахтар Мартинкус, Ҳамид Галимов, Сафрон Рабковец каби ишчилар бригаданинг фахри бўлиб, социалистик мусобақаларда намуна кўрсатишяпти.

Бригада бошлиғи, меҳнат ветерани Маъруф ака Раҳмонов бригаданинг доим ғолиб бўлишига, меҳнат унумдорлиги ва маҳсулот сифатининг аълo бўлишига алоҳида эътибор беради.

—Бажараётган ишига ҳар бир киши ихлос қўйиб ишласа, унинг аъло сифатини кўриб қувонади, —дейди меҳнат ветерани. — Бригадамиз аъзолари ўз ишларига чин дилдан қарашади. Металлни тобланда ниҳоятда катта қунт, зийраклик, чидам ва матонат керак. Ишда интизом ва ихлос бўлса, ҳаммаси яхши натижа бераверади.

Маъруф ака ўзининг кўп йиллик меҳнат фаолияти давомида катта тажриба, ажойиб малака эгаллади. Шунинг учун ҳам заводда уни кўпчилик ҳурмат-иззат билан «устозимиз», «мураббийимиз» дейишади. Заводда унинг кўплаб шогирдлари илғорлар сафида ишлашяпти.

—Мен устозим Маъруф акадан биринчи галда ишчига хос камтарликни, меҳнатга ихлосни, ўзига топширилган ишни сифатли бажаришни ўргандим, — дейди коммунист ишчи Мирҳайдар Исҳоқов мамнунлик билан. — Яхши устоз—отангдан улуғ, деган ҳикмат бежиз айтилмаган. Устозим Маъруф акадан унинг меҳрибонлиги, сидқидилдан касб ўргатгани, доим ишимиздан, ҳол-аҳволимиздан хабардорлиги учун бир умр миннатдорман.

Маъруф ака Раҳмонов ёш ишчиларнинг ҳақиқий устози ва мураббисидир. У ҳозирга қадар заводда эл-ликдан ортиқ шогирдни тарбиялаб, меҳнаткаш ишчилар отрядини яратди. Унинг шогирдлари Тўлқин Умаралиев, Зиёвуддин Қаюмов, Мирҳайдар Исҳоқов ва бошқалар металлни тобловчилик сирларини ипидан игнасигача эгаллаб олишган. Уларнинг ҳар бир меҳнат зафари Маъруф акага олам-олам қувонч бағишлайди.

Одатда, устоз ҳар соҳада одамларга, айниқса шогирдларига ўрнак бўлиши, намуна кўрсатиши керак. Маъруф ака бригада бошлиғи бўлиш билан бирга, жамоат ишларида ҳам актив қатнашади. У цех партия ташкилотининг секретари, завод партия комитети аъзоси. Шунингдек, заводда мураббийлар советига бошчилик қилади. Ишдан кейин Собир Раҳимов районидаги Олимпия шаҳарчасида кўнгилли халқ дружиначилари сафида жамоат тартибини сақлашда фаол қатнашади. Ҳозир Маъруф ака Раҳмонов 1987 йилнинг сентябрь ойи ҳисобига ишлаб, фидокорона меҳнат қилмоқда. У кўплаб орден ва медаллар, мукофотлар олган.

— Ёшлик ғайратини зўр тўлқин, туганмас куч-матонатга ўхшатаман,— дейди фахр билан Маъруф ака, —ўрта мактабларни битирган, етуклик аттестати олган ёшлар зўр куч-ғайратларини касб-ҳунар эгаллашга, меҳнатда жавлон уришга заводимизга келсалар, бахт-саодат калитини топадилар. Ишчи деган ном улуғ эканини тез орада юракдан ҳис этадилар.

Устознинг бу дил сўзларида меҳнат нашидаси, ёшларнинг нурли, ойдин йўли яркираб кўриниб турибди.

Ҳакимжон ИНОҒОМОВ,
ишчи.



Стол тенниси болаларнинг севимли спорт ўйини. Сўлим боғ қўйнида бу бахтиёрларнинг бўш вақти доим завқли ўтади.

Х. Мирзакаримов фотоси.

●Ажойиботлар оламида

СОВУҚ ВУЛҚОНЛАР ВОДИЙСИ

Қозоғистонлик олимлар очган ғалати бир табиий ҳодиса гидровулқон деб аталди. У кратерларидан лава ва қизиган газлар ўрнига муздек тоза сув олади. Улар Орол денгизи жанубий-шарқида чўлдаги Минбулоқ чўкмасида жойлашган.

Оёқ остида янтоқ ўсиб, ер ёрилиб кетган. Атрофда ҳеч қачдай сув аломати кўринмайдиган тепаликлар. Шулардан баъзиларининг диаметри бир километргача боради. Бу водий шундай кўринади. Лекин бундай тепалик ён бағридан кўтарилганингизда унинг кратерн ям-яшил ўтлоқ эканлигини кўриш мумкин, у ерда кўл ёки булоқ бўлади.

Табиатнинг бу мўъжизаси шимолий Тянь-Шань тоғ музликларидан чўлнинг кумлоқ-шағал говак жинсларга ер остидан тазйиқ билан оқадиган сувлар вужудга келтирган. Устки лой қатлами унча зич бўлмаган жойда артезиан сув ўни ёритади ҳамда ер юзига қум ва лой зарраларини кўтаради. Шу зарралар вақти келиб баланд-баланд тепаликларни вужудга келтиради.

Гидровулқонлар халқ хўжалиги учун сув излашда замин бўлиб қолди. Ер ости дарёси трассасида ўнлаб артезиан қудуқлар қазланган. Улар минглаб гектар унумдор, лекин қуруқ ерларни суғоришда ёрдам беради.

К. БОРОДИНОВ,
ТАСС мухбири.

БИЛДИРИШ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети марксизм-ленинизм университетининг барча тингловчиларни диққатга:

1984 йил 28 май соат 18 да Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитетининг мажлислар залида, Шароф Рашидов проспекти, 9-уйда КПСС Марказий Комитети июнь (1983 йил) Пленумининг бир йиллигига бағишланган илмий-амалий конференцияси бўлади.

Дирекция.

Редактор
Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ.

3 Тошкент бет. оқшоми

24 МАЙ, 1984 й.

ТУРИСТ

ТОШКЕНТ САЁҲАТ ВА ЭКСКУРСИЯЛАР БЮРОСИ

СОВЕТ БОЛТИҚБЎЙИ ШАҲАРЛАРИ БЎЙЛАБ САМОЛЁТДА ҚИЗИҚАРЛИ САЁҲАТГА ЧОРЛАЙДИ

МАДОНА ШАҲРИ — «САУЛЕСКАРНС ТУРИСТИК БАЗАСИ (Латвия ССР, Рига шаҳридан 150 километр масофада жойлашган) — **3—15 июнь кунлари.**
Путёвка баҳоси — 310 сўм.

ВИЗУ-СААРЕМАА (Таллин шаҳридан 75 километр масофада жойлашган) — **3—12 июнь кунлари.**
Путёвка баҳоси — 240 сўм.

КЛАЙПЕДА—РОКИШКИС — **18 июнь—1июль кунлари.**
Путёвка баҳоси 290 сўм.

ЗАРАСАЙ (Литва) — **1—10 июнь кунлари, 21—30 июнь кунлари.**
Путёвка баҳоси — 240 сўм.

ТРАКАЙ—ЗАРАСАЙ — **17—28 июнь кунлари.**
Путёвка баҳоси — 260 сўм.

КАПСУКАС—БИРШТОНАС (Литва) — **11—20 июнь кунлари.**
Путёвка баҳоси — 240 сўм.

ПЯРНУ (Эстония) — **1—10 июнь кунлари.**
Путёвка баҳоси — 260 сўм.

КАУНАС—ШЯУЛЯЙ (Литва) — **4—16 июнь кунлари.**
Путёвка баҳоси — 275 сўм.

КАУНАС—АЛИТУС—МОСКВА («Салют» меҳмонхонаси)— **8—22 июнь кунлари.**
Путёвка баҳоси — 345 сўм.

Путёвка баҳосига самолётда бориш ва келиш, маршрут орасида учишлар, яшаш, овқатланиш, экскурсия хизмати ҳақлари киритилган.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Парадлар аллеяси, 5-уй. Телефонлар 39-13-59, 39-43-73.

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ

ГОСКОМТРУД

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ТОШКЕНТ ТРАКТОР ЗАВОДИГА

газ-электр пайвандчилар, пармаловчилар, токарлар, фрезерчилар, сайқал берувчилар, слесарь-йиғувчилар, слесарь-ремонтчилар, прессловчилар, темирчи штамповкачилар, ускуналарни созловчилар, кўприкли кранларнинг машинистлари, электрчилар, қуювчилар.

ТОШКЕНТ ЭКСКАВАТОР ЗАВОДИГА

бухгалтерлар, кранчилар, машинисткалар, қолипчилар, слесарь-йиғувчилар, юкчилар, токарлар, деҳқонлар, фрезерчилар, пармаловчилар.
Елғиз кишилар ётоқхона билан таъминланадилар.

КУЙБИШЕВ РАЙОНИДАГИ ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИГА

металл конструкциялари ва йиғма темир-бетон монтажи бўйича монтажчилар, газ-электр пайвандчилар.

ОКТЯБРЬ РАЙОНИДАГИ ТАШКИЛОТЛАРГА

инженер-механиклар, инженер-гидротехниклар, инженер-энергетиклар, инженер-технологлар, инженер-қурувчилар, экономистлар, машинисткалар, инструкторлар.

«ТАШПРОМСТРОЙ» бирлашмасининг
1-ҚУРИЛИШ-МОНТАЖ БОШҚАРМАСИГА

монтажчилар, электр-пайвандчилар, бетончилар, ғишт терувчилар, дурадгорлар.
Елғиз кишилар ётоқхона билан таъминланадилар.

СПРАВКАЛАР ВА ИШГА ЙЎЛЛАНМАЛАР ОЛИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ АДРЕСЛАРГА МУРОЖААТ ҚИЛИНСИН:

Марказий пункт— Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона,
Ленин район пункти — Т. Шевченко кўчаси, 64-уй.
Октябрь район пункти — У. Юсупов кўчаси, 3-уй.
Чилонзор район пункти — 2-квартал, 3-уй.
Фрунзе район пункти — Ш. Руставели кўчаси, 64-уй.
Ҳамза район пункти —М. Ҳасанова кўчаси, 3-уй.
Куйбишев район пункти — К. Маркс кўчаси, 59-уй.
Киров район пункти — Энгельс кўчаси, 48-уй.
Собир Раҳимов район пункти— Қорасарой кўчаси, 270-уй.
Акмал Икромов район пункти —Чилонзор массиви, 22-квартал, 13-уй.
Сергели район пункти — 2-квартал, 69-уй.

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

СССР Гидрометеорология ва табиий муҳит муҳофазаси бўйича давлат комитети

ТОШКЕНТ ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ТЕХНИКУМИ

1984-85 ўқув йили учун

8-10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИЛАРНИ

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Техникум қуйидаги ихтисосликлар бўйича мутахассислар тайёрлайди: АГРОМЕТЕОРОЛОГИЯ, ҚУРУҚЛИК ГИДРОЛОГИЯСИ, МЕТЕОРОЛОГИЯ, ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИК РАДИОЛАКАЦИОН УСКУНАЛАР.

8-синф ҳажмида маълумотлилар учун кундузги бўлимда ўқиш 3 йилу 6 ой, 10-синф ҳажмида маълумотлилар учун 2 йилу 6 ой; 8 синф ҳажмида маълумотлилар учун гидрометеорологик радиолакацион ускуналар ихтисослиги бўйича ўқиш муддати 3 йилу 10 ой.

Сиртқи бўлимда 10 синф ҳажмида маълумотлилар учун ўқиш муддати 2 йилу 8 ой.

Бошқа шаҳардан келган ўқувчилар ётоқхона билан таъминланадилар.

Ўқувчиларга ойига 30 сўм миқдорида, гидрометеорологик радиолакацион ускуналар ихтисослиги бўйича ойига 45 сўм стипендия тўланади.

Ўқиш рус тилида олиб борилади.

КУНДУЗГИ БЎЛИМГА 8 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИЛАРДАН 31 ИЮЛГАЧА, 10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИЛАРДАН 10 АВГУСТГАЧА, СИРТҚИ БЎЛИМГА 10 АВГУСТГАЧА АРИЗАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова этиб топширилади: маълумоти тўғрисида ҳужжат (асли), медицина справкаси (086) у формали), 4 дона фотосурат (3х4 см.), меҳнат дафтарчаси (ишлайдиганлар учун) нусҳаси.

КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ КУНДУЗГИ ВА СИРТҚИ БЎЛИМЛАРДА 1—20 АВГУСТДА ЎТКАЗИЛАДИ.

8 синф ҳажмида маълумотлилар ўқишга кириш учун **математика** (оғзаки), **рус тили** (диктант);

10 синф ҳажмида маълумотлилар **математика** (оғзаки), **рус тили ва адабиёти** (иншо) кириш имтиҳонларини топширадилар.

Мактабларни 4 ва 5 баҳолар билан битирган ўқувчилар агрометеорология ва қуруқлик гидрологияси ихтисосликларига кириш имтиҳонларисиз қабул қилинадилар.

Техникум адреси: 700019, Тошкент шаҳри, З. Қобилов кўчаси, 45-уй (44, 48, 97, 107, 108-автобуслар; 2, 7, 10-троллейбуслар; 10, 23, 27-трамвайларнинг «Ишчилар шаҳарчаси» бекати). Телефонлар: 48-07-21, 48-37-10.

НЕПТУН МЕҲМОН ҚИЛАДИ

Кишилар ажойиб хуштаъмлик хусусиятлари учун балиқни қадимдан қадрлаб келишади. У қовурилган ва қайнатилган ҳолда, майонез ва аччиқ қайла қўшиб қовурилган тарзда ниҳоятда мазалидир.

Ундан шўрва ва салатлар, маринадлар ва гуручли котлетлар, рулетлар, пирожкилар учун фаршлар тайёрлаш мумкин.

Денгиз балиғидан тайёрланган таомлар киши организмига яхши сингади. Улар бизнинг рационимизни қимматли моддалар, минерал тузлар, фосфор, магний, кальций билан бойитади. «Дастурхонда балиқ мавжуд экан, уйда саломатлик ҳукм суради» деган халқ ҳикмати бежиз эмас.

МОЙВА ВА МИНТАЙ
ДЕНГИЗ БАЛИҒИНИНГ ЭНГ ЯХШИ ХУСУСИЯТЛАРИГА ЭГАДИР.

Корюшка балиқлар оиласидан бўлган кичикроқ ҳажмдаги кумушранг балиқ —мойва кулинария билимдонларининг эътиборини қозонган. Мойва айниқса қовурилган тарзда мазалидир. Овқат шинавандалари ушбу таомнинг тотли ва нозик мазасини анча илгари тасдиқлаганлар.

МИНТАЙ—тотли ва ширали балиқ бўлиб, таъмига кўра трескани эслатади. Уни парҳез ва болалар таомларида ишлатиш мумкин. Минтайдан таомлар тайёрлаш рецептлари шунчалик осонки, уни ҳар қандай уй бекаси осонлик билан уддалайди. Минтайдан тайёрланган таомларга турли хил қайлалар алоҳида жозиба ва юқори калория бахш этади.

Турли хил сабзавотлар ва қайнатилган ҳамда қовурилган картошка балиқдан тайёрланган таомларга яхши қўшимча бўлади.

БИР НЕЧА РЕЦЕПТЛАРНИ ТАВСИЯ ЭТАМИЗ
СУТДА ДИМЛАБ ПИШИРИЛГАН МОЙВА

500 грамм балиққа 1—2 дона пиёз, 1,5 стакан сут, 2 ош қошиқ ўсимлик мойи, таъбга кўра туз лозим бўлади.

Тозаланган балиқни товага қатор қилиб теринг. Ҳар бир қатор устига тозаланган ва майдаланган пиёз сепинг. Устидан сут қуйиб ўсимлик мойини қўшинг, тованинг қопқоғини ёпиб паст оловда 30—40 минут димлаб пиширинг.

Димланган мойвани дастурхонга қайнатилган картошка қўшиб тортинг.

ХАМИРГА ҚОРИБ ҚОВУРИЛГАН МИНТАЙ

400 грамм балиқ филесига 1,5 стакан ун, 1 стакан сут, 1 дона тухум, ўсимлик мойи, мурч, кўкат, туз лозим бўлади.

Хамир тайёрлаш учун совуқ сутга туз, тухум сариғи, ун қўшиб аралаштиринг ва сўнгра тухум оқини қўшинг.

Унча катта бўлмаган балиқ филесига туз, мурч сепинг. Хамирга бўктириб олинг ва мойда қовуринг.

Балиқнинг қовурилган бўлакларини ликопчага солинг. Унинг ёнига қовурилган картошка териб чиқинг, озгина мой қуйиб, кўкатлар билан безанг.

УЙ БЕКАЛАРИ УЧУН ЭСДАЛИК

Музлатилган балиқни уй температурасида эритинг. Балиқ ичаклари у тўла эригунга қадар тозаланиши лозим.

Тозаланган ва бўлакларга бўлинган балиқни қовуришдан олдин салфетка билан қуритинг.

Катта денгиз балиқларининг бўлакларини бир неча соат сиркада сақланг.

Балиқ шўрваси тиниқ бўлиши учун уни икки қават докадан ёки иссиқ сувга ботирилган салфеткадан сузиб ўтказинг. Шўрвани тухум сариғи билан аралаштирганда ҳам у тиниқлик касб этади.

Товада қовурилаётган балиқ бўлакларини унга ботириб, сўнгра хамирга бўктириб олинг. У қалин ва текис парда тарзида балиқ бўлакларига ёпишади. Балиқ бўлакларини яхши қиздирилган мойга солиб пиширинг. Шунда хамир юзаси тезда қизаради.

МУЗЛАТИЛГАН МОЙВА, МИНТАЙ, ХЕК БАЛИҚЛАРИНИ СИЗ ОЗИҚ-ОВҚАТ
МАГАЗИНЛАРИДАН ХАРИД ҚИЛИШИНГИЗ МУМКИН

УЛАРНИНГ АДРЕСИНИ ЭСЛАТИБ ЎТАМИЗ:

1— «Спутник» массиви, Ц-3 квартали, 5-уй;

2— «Спутник» массиви Ц-6, квартали, 39-уй;

4— «Спутник» массиви, 16-квартал, 72-уй;

12— «Спутник» массиви, 5-квартал, 30-уй;

26 — Қуйлиқ массиви, 5-«б» квартали, 114-уй;

10— Чоштепа кўчаси;

16—Авиасозлар шаҳарчаси;

9—2-Сергели массиви;

25—4-Сергели массиви;

22—3-Сергели массиви.



СЕРГЕЛИ РАЙПИШЧЕТОРГИ (телефон 58-36-29).

КИР ЮВИШ ВОСИТАЛАРИ



КИР ЮВИШ ИШЛАРИ ОСОН КЎЧСИН, ЧОЙШАБ ВА СОЧИҚЛАР ТИНИҚЛИК ВА ЁҚИМЛИ МОВИЙЛИК КАСБ ЭТСИН ДЕСАНГИЗ, КИР ЮВИШ ВОСИТАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИНГ!

Улар совунга кўра анча самарали, ювилаётган буюмларга қўлда ёки машинада қўшимча ишлов беришни талаб қилмайди.

«МЕЧТА» —

синтетик кир ювиш пастаси. Ип-газлама ва зиғир толасидан тайёрланган газлама буюмларини ювишда қўлланилади. У совуқ ва исталган температурадаги иссиқ сувда осонликча эрийди.

Бу паста ёрдамида ювилган рангли буюмлар анча тиниқлашади. Оқ рангдаги буюмлар эса зангори тус касб этади.

«БИО» —

ушбу паста ёрдамида зиғир, пахта, синтетик толадан тайёрланган буюмларни осон ва тезлик билан ювиб олиш мумкин. Унинг таркибига самарали биологик қўшимчалар киритилганлиги туфайли у ҳар қандай кирни тозалашга қодир. «Био» кам кўпик чиқаради, шу сабабли ундан машинада кир ювишда фойдаланиш қулайдир.

«ВИТА» —

ушбу универсал пастанинг турли газламаларни ювиш ва дизенфекциялаш хусусиятларидан ташқари синтетик ва жундан тайёрланган буюмларга антистатик ишлов беришини унинг афзалликларидан бири деб ҳисоблаш мумкин.

«КАШТАН» —

суюқ ювиш воситасидир. У жун, ипак ва синтетик газламалардан тайёрланган буюмларни ювишда қўлланилади.

«КАШТАН» таркибига турли хил қўшимчалар киради. Улар тозалаш ва кўпик ҳосил қилиш жараёнларини кучайтирибгина қолмай, балки қўл терисини яллиғланишдан сақлайди.

«КАШТАН» ҳар қандай кирларни осонликча тозалайди, ювилган буюмларнинг рангини тиниқлаштиради, газламанинг мустаҳкамлигига салбий таъсир кўрсатмайди. Ушбу ювиш воситасидан биллур, чинни, сопол идишларни ювишда, шунингдек гилам ва юмшоқ мебелларни тозалашда фойдаланиш мумкин.

«ВНИИХИМПРОЕКТ».

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ (телефон 45-37-24)

ТВ

ПАЙШАНБА

24 МАЙ

● МТ I

18.00 «Шахмат мактаби».
18.30 «Миллионлар ленинча университети». «Меҳнат—жамият —инсон».
19.00 Халқ қуйлари.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Ёзувчи ва ҳаёт».
20.20 «Давлат чегараси». Телевизион бадиий фильм премьераси. 4-фильмнинг 1-серияси.
21.30 «Время».
22.05 «Дунё ва ёшлар».
22.35 «Дунё воқеалари».
22.50 «Қўшиқ бизга ҳамиша ҳамроҳ». Ёш ижрочиларнинг Бутуниттифоқ телеконкурси.

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.50 «Иш кунидан сўнг». Телефильм.
19.05 — 20.30 «Учиш кечиктириладн». Телевизион бадиий фильм.
20.45 «Шоир Антал Гидаш».
21.30 «Время».
22.05 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Черноморец» — «Спартак».

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Сўз кетидан сўз келар». Рус тилида сўзлашишга ўргатиш (такрорий).
18.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Студентлик —олтин даврим». Абу Райҳон Беруний номли Тошкент политехника институти. 1-кўрсатув.
19.05 «Реконструкция суръати ошмоқда». Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати. «Правда Востока» газетаси редакцияси ҳамда Ўзбекистон телевидениесининг биргаликдаги рейди (рус.).
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Олам дарди адиб қалбида».
20.30 «Ахборот».
20.50 «Хива вақти билан роппароса соат еттида». Фильм-концерт.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Ғўза парваришига — аъло сифат».
22.20 «Ер фарзанди». СССР халқ артисти Ш. Бурхоновнинг ижодий портрети.
23.40 «Бугун оламда нима гап?». Халқаро аҳвол кундалиги.

● ЎзТВ II

18.25 Кўрсатувлар программаси.
18.30 «Чегаранинг кунлари ва тунлари». Телефильм.
19.00 «Тошкентда шундай кўча бор». Ҳужжатли фильм («Ўзбектелефильм»).
19.20 «Марш янграмоқда».
19.50 «Пионерия». Киножурнал.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Уларни театр кутмоқда». Ҳужжатли фильм.
20.40 «Мен қўшиққа борлиғимни бахш этдим». Л. Орлова ва И. Дунаевский ижоди ҳақида ҳужжатли фильм.
21.30 МТ II.

ЖУМА

25 МАЙ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 Концерт залида — мактаб ўқувчилари.
10.30 «Давлат чегараси», Телевизион бадиий фильм. 4-фильмнинг 1-серияси.
11.40 «Жаҳон музейлари бўйлаб». Кинокўрсатув.
12.25 «Адажио ва вариациялар».
12.55 Янгиликлар.
15.00 Янгиликлар.
15.15 Африка озодлиги кунига «Тараққиётнинг машаққатли йўли». Телеочерк.
16.30 «Билимимиз —қудратимиз». Илмий-оммабоп журнал.
16.50 «Рус тили».
17.20 «Қувноқ стартлар».
18.05 «БАҲОР БАЙРАМИ». Тошкентдан олиб кўрсатилади.
18.30 «Е. Евтушенко шеърлари»
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Ҳамдўстлик». Тележурнал.
20.00 «Духовой оркестр чалади».
20.10 ««Давлат чегараси». Телевизион бадиий фильм премьераси. 4-фильмнинг 2-серияси.
21.30 «Время».
22.05 СССРда II Халқаро музика фестивалининг якунловчи концерти. Москва Давлат консерваториясининг Катта залидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида (22.25) — «Дунё воқеалари».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 —9.35 «Қишлоқ хўжалиги». Киножурнал.
12.05 —12.35 «Бир севги тарихи». Илмий-оммабоп фильм.
14.40 Совет тасвирий санъати. «Меҳнат бизга шон-шарафдир».
15.10 «Габриэль Гарсиа Маркес. Асарлари саҳифаларида».
16.10 Янгиликлар.
18.30 Янгиликлар.
18.50 «Саҳийлар». Бадиий фильм.
20.10— 20.30 «Кетуши» фольклор коллективининг чиқиши (Ангол Халқ республикаси.
20.45 «Ҳаракат хавфсизлиги учун».
21.15 Рус халқ чолғу оркестрининг концерти.
21.30 «Время».
22.05 Футбол бўйича Европа чемпионати». Ўсмирлар. СССР—Люксембург терма командалари.
23.35 Камондан ўқ отиш бўйича «Баҳор камалаклари» халқаро мусобақалари.

● ЎзТВ I

14.55 Кўрсатувлар программаси.
15.00 ЎзССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил топганлигининг 60 йиллигига ҳамда Улуғ Ватан урушида Совет халқи қозонган ғалабанинг 40 йиллигига бағишланган мактабгача ёшдаги болалар, мактаб ўқувчилари, педагогика ўқув юртлари ва студентларининг VI республика ешула байрами. «Юбилейний» Спорт саройидан олиб кўрсатилади.
17.00 Болалар учун фильмлар: «Тоза доска», Васюковкалик тореадорлар».
18.00 Янгиликлар.
18.15 Кўғирчоқ фильм.
18.35 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Студентлик олтин даврим». Абу Райҳон Беруний номли Тошкент политехника институти. 2-кўрсатув.
19.10 «Ўзбекистон ...» Телефильм.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Мулоҳазалар». Композитор М. Қаюмов ... ҳужжатли фильм.
20.15 «Бугун оламда нима гап?» Халқаро аҳвол кундалиги.
20.30 «Ахборот».
20.50 Ўзбекистон артистлари ... росида Шарқ халқлари қўшиқлари ва рақслари.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Инсон ва замин». ... хўжалиги ходимлари ... программа.
23.20 Янгиликлар

● ЎзТВ II

9.00 —16.15 МТ II
18.25 Кўрсатувлар программаси.
18.30 «Экономика тежамкор бўлиши керак». Ёқилғи ... ва ресурсларни ... қувватини тежаш ...
19.00 «Инсон ва табиат». ... программа.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Китоб дўстлари» ...
20.50 «Ая». СССР халқ ... Лутфихоним Саримсоқова ... ҳақида ҳужжатли фильм.

ПОЙАФЗАЛ САЛОНИ

ПОЙАФЗАЛ РЕМОНТИ

БУНДАЙ ПУНКТЛАР НАВОИЙ КЎЧАСИДАГИ САВДО РАСТАЛАРИДА ЖОЙЛАШГАН.

Бу ерда турли-туман, кўркам, замонавий пойафзаллар кўплаб топилади. Салон пештахталарида исталган фасон ва рангдаги пойафзаллар: туфли ва сандалетлар, сабо ва басоножкалар мавжуд. Улар энг сўнгги мода талабларига жавоб беради.

МАВЖУД БЎЛГАН НАМУНАЛАР АСОСИДА БУЮРТМАНГИЗ БЎЙИЧА СИЗГА ПОЙАФЗАЛ ТАЙЁРЛАБ БЕРИШАДИ.





Салон ёнида замонавий механизациялаштирилган 402-пойафзал ремонти устахонаси жойлашган. У ерда тезда бажариладиган майда юмушлардан тортиб, анча вақт оладиган йирик ремонт ишлари амалга оширилади.

Салон ва ремонт устахонасига қуйидаги транспорт билан бориш мумкин: 7, 8, 11, 16-трамвайлар; 1, 4, 8-троллейбусларнинг «Марказий телеграф» бекати.

«ТАШГОРОБУВЬ Р Е М-БИТ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ.

театр

НАВОИЙ НОМЛИ ... ДАВЛАТ АКАДЕМИК ... ТЕАТРИДА —24/V да ... **нинг яратилиши**, 25/V ... **қуш қўли**, 26/V да ... **ринчи.**

ҲАМЗА НОМЛИ ... ДАВЛАТ АКАДЕМИК ... МА ТЕАТРИДА — ... **Отелло** (премьера), 25/V ... **линлар қўзғолони**, 26/V ... **мат қарз.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ... ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ... РИДА— 24/V да ... **ган кўнгил**, 25/V да ... **дин томоша**, 26/V да ... **ошиқ.**

цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ... КИДА —«Сувда цирк» ... **цирки артистларининг** ... **лари** (19.30).

кино

25, 26, 27 МАЙ ...

БАДИИЙ ФИЛЬМ...

«САЛАМАНДРА»— ... **30 йиллиги** (жуфт соатлар...) телефон 33-44-52). **ССР 25 йиллиги номли** ... атларда, телефон ... **Ҳамза номли** (жуфт соатлар...) телефон 91-10-51).

«АВИАЦИЯ ХАЛҚ ХАЗИНАСИ ТОМОН» ... **лик** (жуфт соатларда ...) 58-36-06).

Ўзбекистон ССР ... **Ўрта махсус таълим ... трлиги**

А. АБДУРАҲМОНОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ПОЛИТЕХНИКУМИ

29 май соат 12.00 ...

ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИНИ ЎТКАЗАДИ

Политехникумга ... хоҳловчи мактаб ўқувчи... (8 ва 10 синф) ва ... лар, ҳамда мактабни ... битирган йигит-қизлар ... лиф қилинади.

Бизнинг адрес: ... Тошкент шаҳри, ... кўчаси, 26-уй (2, 3, ... торацкий кўчаси» бекати ... 2, 5-трамвайлар 1, 3, ... троллейбусларнинг ... фармзавод» бекати).

А. Н. Островский ... Тошкент театр ва рассомлик санъати институти ... дан **Тўйчиев Абдумажид Абдурасулович** номига ... 950029 номерли ...

ДИПЛОМ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

4 ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») —орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

ВИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41. Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 32-53-83; қурилиш ва шаҳар хўжалиги—32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ—32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ватанпарварлик ишлари—32-53-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42: нашриёт диспетчери — 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

24 МАЙ, 1984 й.

Р—14024. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонасида офсет усулда босилган. Тошкент шаҳри. Б-2015. ИНДЕКС 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10